O'ZBEKISTON
MILLIY KITOB PALATASI

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2004-yil 22-dekabr, chorshanba № 102 (7711)

Da'vat

Yurtning ko'z qorachig'i, erkatoylar! Sizning pok qalblaringizda vatanga sevgi, sadoqat, ota-onalaringizga, muallimlaringizga e'tibor, chuqur ehtirom, muhabbat jo bo'lsin!

OYBEK

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

МУСО ТОШМУҲАММАД ЎҒЛИ ОЙБЕК ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, ўзбек адабиёти ва илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган академик адиб Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ижодининг улкан аҳамиятини инобатга олиб, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат, аждодларимизнинг маънавий мероси билан фахрланиш ва ифтихор туйғуларини юксалтириш мақсадида ҳамда ёзувчи таваллудининг юз йиллиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси, Республика «Маънавият ва маърифат» Кенгашининг Ўзбекистон халқ ёзувчиси, академик Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигини мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ушбу санага тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш бўйича ташкилий қўмита таркиби тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита бир ой муддатда тегишли вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда юбилей тадбирлари режасини ишлаб чиқсин ва амалга оширишга киришсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги 2005 йилнинг май ойида «Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти» мавзусида илмий конференцияни ҳамда адиб таваллудига бағишланган тантанали адабий-бадиий анжуманни ўтказсин.

3. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги адибнинг асарларини саҳналаштириш, Фанлар академияси билан биргаликда Ойбек уй-музейининг экспозициясини бойитиш бўйича ишларни амалга оширсин.

4. Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда таълим муассасалари ва кутубхоналарда адиб ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий-бадиий тадбирлар, ойбекхонлик кунлари, давра суҳбатлари, ижодкорлар билан учрашувлар ташкил этсин.

5. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фанлар академияси ва Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда Ойбек асарларини ҳамда «Ойбек замондошлари хотирасида» китобини чоп этишни режалаштирсин.

6. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги Ойбек ҳаёти ва ижодига бағишланган ҳужжатли фильм яратсин.

7. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ойбек сиймоси туширилган ва унинг асарлари мавзуси асосида ишланган почта маркалари ва конвертлар туркумини чиқарсин.

8. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Ўзтелерадио» компанияси ва республика оммавий ахборот воситаларига адиб ҳаёти ва ижоди тўғрисида туркум кўрсатув ҳамда радиоэшиттиришлар тайёрлаш, мақолалар чоп этиш, юбилей тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Қосимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 21 декабрь

МЕҲР ТАНТАНА ҚИЛГАН КУН

«Юрагимни болаларга бағишлайман» шиори остида ўтказилган «Энг яхши Меҳрибонлик уйи тарбиячиси» танловининг якуний Республика босқичи ғолиби — навоийлик тарбиячи Ҳилола Остонова (8-9-бетларга қаранг)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

САЛОМАТЛИГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА — 2-бет

ТАЪЛИМДА ВАСИЙЛИК КЕНГАШИ — 4-бет

ҚИШКИ ТАЪТИЛНИ ҚАНДАЙ ЎТКАЗАСИЗ? — 6-бет

ТОШЛОҚЛИК ПЕДАГОГ-ЎҚУВЧИЛАР ота-оналарга янги алифбони ўргатиш билан ислоҳотда фаол иштирок этмоқдалар — 7-бет

Таҳир МАЛИК

«ЖИНОЯТНИНГ УЗУН ЙЎЛИ»

ушбу асарни газетамизнинг 2005 йилги илк сонларидан бошлаб ўқиб борасиз

Ibrat

«Quvadonmahsulotlari» aksiyadorlik jamiyatiga qarashli zamonaviy sport majmuasi Quva shahri bolalari ixtiyoriga topshirildi. Unda uch yuzdan ziyod bola karate, boks, futbol, voleybol, kurash bilan muntazam shug'ullanishga kirishdi. Quva tumanidagi Begat qishloq vrachlik shifoxonasi «Quvadonmahsulotlari»ning moliyaviy yordamida qayta ta'mirlanib, zamonaviy tibbiy asbob-uskunalar bilan jihozlandi.

KIRIB KELAYOTGAN YANGI YILINGIZ MUBORAK BO'LSIN!

Халқ банки – Сизнинг оилангиз банки!

SO‘NGGI UCH KUN MUJDALARI

QAROR

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi «Fuqarolarning jamg‘arib boriladigan pensiya ta’minoti to‘g‘risida»gi O‘zbekiston Respublikasi Qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari haqida Qaror qabul qildi.

ILMIY-AMALIY ANJUMAN

Samarqand shahrida «Xoja Ahror Valiyning Markaziy Osiyo tarixi va ma’naviyatida tutgan o‘rni» mavzuida respublika ilmiy-amaliy anjumani bo‘lib o‘tdi. O‘zbekiston Fanlar akademiyasi, Toshkent islom universiteti, O‘zbekiston musulmonlari idorasi hamda Samarqand viloyati hokimligi hamkorligida tashkil etilgan mazkur anjumanning ochilishida so‘zga chiqqanlar davlatimiz rahbari tashabbusi bilan jahon madaniyati rivojiga ulkan hissa qo‘shgan buyuk ajdodlarimiz xotiralarini yod etish, ma’naviy merosimizni qayta tiklash yo‘lidagi ishlar dunyo afkor-ommasi tomonidan yuksak baholanayotganini alohida ta’kidladilar. Anjuman doirasida Xoja Ahror Valiy hayoti va ijodi haqida hikoya qiluvchi «Bu dunyo yaxshilik ekinzoridir...» tarixiy-hujjatli filmi taqdimoti bo‘ldi. Anjumanda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Davlat maslahatchisi 3.Husniddinov, Samarqand viloyati hokimi M.Nurmurodov ishtirok etdi.

САЛОМАТЛИГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сиҳат-саломатлик йили Давлат дастурини шакллантириш борасидаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиши эълон қилинди. Ушбу фармойишда давлат дастурини шакллантиришда эътибор қаратиш керак бўлган муҳим жиҳатларга тўхталиб ўтилган: «Одамларда бебаҳо бойлик бўлган ўз соғлигини сақлашга тўғри ва масъулиятли муносабатда бўлиш, соғлом турмуш тарзи, ўз ҳаёт фаолиятини оқилона ташкил қилиш, саломатлик учун зарарли ва хатарли одатлардан воз кечиш, соғлом бўлиш, жисмоний ва руҳий жиҳатдан уйғун камол топишга йўналтирилган ҳаётий фалсафани шакллантириш». Фармойишда алоҳида бандга кирган ушбу вазифаларни бажариш учун ҳар бир киши ҳаракат қилиши лозим. Бироқ, соғликнинг қадрига ҳамма ҳам вақтида етмайди-да, касал бўлсам, шифокорлар даволайди, деб беғамлик панасига ўтади. Касал жонидан ўтиб кетиб, ётиб қолгандагина шифокор ҳузурига боради. Бироқ бундай ҳолатда баъзан шифокор ҳам даволаш чорасини топа олмаслиги мумкин. Бунинг учун уни айблаб ҳам бўлмайди. Шундай экан, биз ўз соғлигимиз ҳақида вақтида қайғуришимиз ва фарзандларимизга ҳам буни ёшликдан сингдириб боришимиз керак. Бола кичиклигидан ўзига эътиборли бўлиб ўсса, келажакда ўз боласига ҳам шуни ўргатади.

Соғлом бола ҳақида гап кетар экан, соғлом бола фақат соғлом онадан туғилишини унутмаслик лозим. Бундан илгари ҳам соғлом авлодни шакллантириш борасида талай қарорлар қабул қилинган бўлса-да, бу йўналишда барча ишлар тўлиқ бажарилди, деб айтолмаймиз. Балки шунинг учун ҳам ушбу фармойишда бу масала яна тилга олинади: «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она соғлигини мустаҳкамлаш ва соғлом фарзанд туғилиши, соғлом она — соғлом бола мақсадли вазифасини амалга ошириш, республиканинг барча аҳоли пунктлари, энг аввало, қишлоқ аҳолисини «Она ва бола скрининги» дастури билан қамраб олиш борасида бошланган

2005-yil — Sihat-salomatlik yili

ишларни давом эттириш, барча лойиҳа ва тадбирларни тўлатўкис ниҳоясига етказиш».

Бугун одамлар орасида тиббиёт ходимларига бўлган ишонч илгаригидек эмас. Шифокорга бориб, нотўғри ташхис туфайли бир умр асорат билан қолганларни ҳам кўрганмиз. Уларга ҳозир замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари, илм-фаннинг энг охирги услублари қўлланаётгани ҳақида гапирсангиз ҳам, шифокорларга кўринмайдилар. «Ўз жонингни таваккал қилиб, малакасиз шифокор қўлига топширгандан кўра, тинч юрган яхши», деб ўйлайдилар. Фикримизча, тиббиёт йўналишида ёмон ўқишни кечириб бўлмайди. Чунки уларга инсон ҳаёти ишониб топширилади, улар ишида хатога йўл қўйиш мумкин эмас. Шундай экан, тиббиёт йўналишида таълим оладиган кадрларга жиддий эътибор бериш талаб қилинади.

Фармойишда бу масала ҳам тилга олинади: «Тиббиёт кадрлари, биринчи навбатда ўрта тиббиёт ходимлари ва олий малакали ҳамшираларга (реаниматологлар, анестезиологлар, операция ҳамширалари, туғруқхона акушеркалари ва бошқалар)ни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш». Ўрта тиббиёт ходимлари ва олий малакали ҳамшираларга эътибор қаратилиши бежиз эмас. Яқин тўрт-беш йилдан бери медицина институтларида «Олий малакали ҳамшира» мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрланаяпти. Бу эса, ҳамширанинг мавқеини бироз бўлса-да, кўтарди.

Фармойишда тиббиёт ходимларининг меҳнатини моддий рағбатлантиришни такомиллаштириш ҳақида ҳам сўз боради. Меҳнати қадрланган инсоннинг ишлагиси келади. Фармойишда кўрсатилган барча вазифаларни амалга ошириш, малакали тиббий кадрлар тайёрлаш ёки она соғлигини мустаҳкамлаш фақат маълум одамларнинг ёки якка бир шахснинг қўлидан келадиган иш эмас. Бунда ҳар биримизнинг ҳиссамиз бор.

Соғлом бўлишнинг муҳим шартларидан бири спорт билан шуғулланишдир. Афсуски, бунга ҳамма вақт ҳам етарли шароит бўлавермайди. Соғлом ва бақувват бўлишнинг энг осон йўли спорт билан мунтазам шуғулланиш экан, оилада вояга етаётган болаларга ҳам буни тушунтириш, уларни спортга қизиқтириш керак. Мамлакатимизда болалар спорти ривожига кенг йўл берилаётган бир пайтда, ушбу масала яна тилга олинади: «Аҳолининг барча қатламлари орасида физкультура ва спорт билан шуғулланишни авж олдириш, айниқса, болаларни спортга жалб этиш, республика ҳамда минтақавий мусобақалар ва оммавий спорт тадбирлари ўтказишни ташкил қилиш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш, физкультура ва спортни оммалаштириш бўйича илғор халқаро тажрибаларни ўрганиш ва ёйиш, телевидение орқали махсус соғломлаштириш дастурларини кенг намойиш этиш, шунингдек, жойларда болалар спорт комплекслари, жисмоний соғломлаштириш машқлари билан оммавий равишда шуғулланиш учун турли клублар, секциялар, машқ заллари тизимини жадал ривожлантириш».

Албатта, фармойишда белгиланган ушбу вазифалар амалга оширилса, соғлом авлод йўлидаги муҳим қадам бўлади. Бироқ, бу вазифаларнинг амалга оширилишида ҳар биримиз ўз масъулиятимизни унутмаслигимиз керак. Шунингдек, соғлик энг бебаҳо бойлигимиз эканлигини ёдда тутиб, уни асраш фақат шифокорларга эмас, балки ўзимизга кераклигини ҳис қилишимиз лозим.

Зухра БОБОХЎЖАЕВА

ЕТУК ШАХС ИБРАТИ

Син солиб қараганга ушбу дунёда яшаб ўтган ҳар бир инсон умри ҳикматга тўла. Ҳикмат — кишининг ҳаётнинг минг бир кўйи, баланд-пастликлари, торлигу кенгликларида, тўсиқлару парвоз онларида ўзини қандай тутгани, ўзлигини сақлай олгани, ўз йўлидан, тўғри йўлдан чекинмагани, бунга қандай эришганида.

Адабиётга дахлдор шахс умр ҳикматларини бошқалар илғай олмайдиган томонлардан кўради. Нафақат ўзи, балки ўзгалар, замондошлари тақдиридаги долғали давр таъсири, шахснинг даврга муносабати, инсон камолоти сирларини англай ва тасвирлай олади. Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов давр моҳиятини англаб етган ана шундай етук шахслардан бири.

Таъкидлаш жоизки, бугунги ўзбек адабиётига ўзини дахлдор деб билган деярли барча ижодкорлар Озод Шарафиддиновни қандайдир даражада ўзига устоз деб билади. Ёш ижодкорлар, ҳеч бўлмаганда, унинг мақолалари, китобларини ўқиб сабоқ оладилар. Адабиёт, ижод сирларидан ўзига хос дарс вазифасини ўтайди унинг китоблари.

Ўзбекистон Миллий университетида бўлиб ўтган О.Шарафиддиновнинг «Маънавият» нашриёти томонидан тайёрланиб, чоп этилган янги — «Довондаги ўйлар» китоби тақдимот маросимида ушбу фикр бот-бот таъкидланди. ЎзМУ ректори, профессор Равшан Ашуров, фан докторлари, профессорлар Хулкар Олимжонова, Шариф Юсупов, Қозоқбой Йўлдошев, Нурбой Жабборов, Баҳодир Карим, Абдуғафур Расулов, «Маънавият» нашриёти директори Суннат Аҳмедов устознинг олимлик, инсонлик қиёфасининг баъзи қирраларига чизги бердилар. Унинг ҳаёти барча учун тирик бир ибрат эканлигини таъкидладилар.

«Довондаги ўйлар» сизнинг ҳам китоб жавонингиздан ўрин олиб, севимли китобларингиздан бири бўлиб қолишига ишонамиз.

Ҳусан НИШОНОВ

Ta’limda hamkorlik

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ МАКТАБЛАРИ

улар ўртасидаги боғлиқлик нимада?

Дунёда интеграциялашув жараёни кечаётган айни бир паллада давлатлар, халқлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг аҳамияти катта. Зеро, ҳамфикрлик бор жойда тараққиёт бўлади. Чунки ўзаро тажриба алмашиш, эришилаётган ютуқлар билан ўртоқлашиш ҳар иккала шерик учун ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди. Агарда бу ҳамкорлик энг олий ва муқаддас мақсад — фарзанд камолига қаратилган бўлса-чи?! Унда шубҳасиз, боғланган дўстлик ришталари мустаҳкам пойдеворга ва албатта, порлоқ истиқболга эгадир.

“Пойтахт” меҳмонхонасида ташкил этилган “Ўзбекистон мактабларида рус тили” мавзусидаги икки кунлик семинарнинг аҳамияти шундаки, унда айни фарзандлар келажаги билан боғлиқ масалалар юзасидан Ўзбекистон ва Россия мактабларида олиб борилаётган ислоҳотлар, илғор тажрибалар ўрганилди. Мавжуд муаммоларга ҳамкорликда ечим изланди.

Мазкур семинар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Россиянинг юртимиздаги элчихонаси, ушбу мамлакатнинг Халқаро ва маданий ҳамкорлик маркази (Росзарубежцентр) ҳамда пойтахтимиздаги Рус маданият маркази томонидан ташкил этилди. Аслида, ўтказилган семинар жорий йилнинг июль ойида ҳар иккала давлат раҳбарлари томонидан имзоланган “Стратегик ҳамкорлик” тўғрисидаги шартноманинг амалий самараси саналади.

Хабарингиз бор: мазкур шартномага асосан Ўзбекистон ва Россия давлатлари ўртасида ўзаро иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга келишиб олинганди. Ўз-ўзидан аён, ижтимоий ҳамда маданий соҳалардаги шериклик эса мамлакатлар таълим тизимини ривожлантириш масаласини ҳам четлаб ўтмаган.

Йиғилишни республика Халқ таълими вазирлигининг Умумий ўрта таълим мактабларининг таълим жараёнини ташкил этиш Бош бошқармаси бошлиғи Намоз Рўзиқулов очар экан, бугунги кунда юрт таълим тизимидаги ислоҳотлар жараёни, шунингдек, айнан “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида”ги Президент фармони ва унинг асосида қабул қилинган ҳукумат қарорларининг бажарилиш жараёни, бунда хорижий ҳамкорларнинг ўрни хусусида батафсил тўхталиб ўтди.

Юртимизда олиб борилаётган таълим тизими ислоҳотларига юқори баҳо берган Россиянинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси маслаҳатчиси, “Росзарубежцентр”нинг давлатимиздаги вакили Татьяна Мишуковская ўз нутқида бугунги семинарнинг мақсад-моҳиятига алоҳида эътибор қаратди.

— Биласиз, иккала давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг тарихи узоқ,— деди Т. Мишуковская. — Бу ҳамжиҳатликнинг таълим тизимида ҳам ўзига хос кўринишда ривожланаётганлиги муҳим аҳамиятга молик. Зотан, фарзанд истиқболи учун қайғуриш энг эзгу, энг улуғ мақсаддир.

Учрашув давомида мактаб раҳбарлари, ўқитувчилар бугунги кунда Россия мактаблари ҳаёти, унинг ютуқ ва муаммолари, ўз навбатида, Ўзбекистон мактабларидаги ислоҳотлар жараёни, мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўллари хусусида батафсил маълумотга эга бўлишди. “Ўзбекистонлик рус тили ва адабиёти ўқитувчиларининг Ассоциациясини тузиш”, “Таълим муассасаларининг дарслик, ўқув қўлланмалари ҳамда методик ва дидактик воситалар билан таъминланиши”, “Фанларнинг ўқитилиш самарадорлигини ошириш” ҳамда “Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг Россия Федерацияси томонидан ташкил этилаётган кўрик-танлов, фан олимпиадаларига кенгроқ жалб этиш” мавзуларидаги чиқишлар ва баҳс-мунозаралар эса барчанинг эътиборини тортди. Албатта, ҳар қандай муаммонинг ечими бор. Энг муҳими, унга ўз вақтида эътибор қаратилса, бас.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ

Bir soatlik dars

Ўзбекистон катта сиёсий воқелик арафасида турибди. Яъни, 26 декабрь куни халқимиз Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ҳамда вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига ўзларининг энг муносиб номзодларини депутатликка сайлайдилар. Мазкур тадбирни уюшқоқлик ва ҳар томонлама тайёргарлик билан ўтказиш халқимиздан ўзига хос билим, тафаккур кенглигини талаб этади. Сайловларни шу даражада ўтказиш эса, тарғибот ва ташвиқот ишларининг тўғри олиб борилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Жамики жабҳаларда бўлгани каби бу борада ҳам таълим соҳаси ходимларининг хизмати бениҳоя бўлаётир.

Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 18-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Гулбаҳор Жўраеванинг 11-синфда ўтказилган бир соатлик дарсини кузатиб, буни яна бир бор ҳис этдик.

БИЗ КИМНИ САЙЛАЙМИЗ?

Дарснинг мақсади:

А) Таълимий: "Сайлов нима? У нима учун ўтказилади? Депутат аслида ким?" каби саволларга жавоб топиш орқали сайловларнинг асл моҳиятини очиб бериш.

В) Тарбиявий: Ўқувчиларга халқимиз дардини тушунадиган, оғирини енгил қила оладиган, маҳалласи, қишлоғи, тумани, вилояти, мамлакати равнақи учун хизмат қиладиган фуқарони сайлашимиз кераклигини англата бориш.

Д) Ривожлантирувчи: Тренинг дарс давомида ўқувчилар ўзларини сайловчи ёки сайланган депутатлар ўрнида ҳис этишларига, ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён этишига ўргатиш.

Е) Миллий истиқлол ғояси: Ўқувчилар фақат тилда эмас, балки, дилдан Ватанимизни ҳуқуқий демократик давлатга айлантириш кераклигини ҳис қилиб, шу мақсадда аъло баҳоларга ўқиши лозимлигини улар онгига сингдириб бориш.

Дарс тури: Мунозара.

Дарсдаги кўргазма: Оммавий ахборот воситаларида сайловга оид эълон қилинган материаллар. Сайлов бюллетенидан нусха, сайлов комиссиялари эълон қилган материаллар.

Дарснинг бориши: Синфда психологик муҳит яратиш.

РЕЖА:

А) Сайлов тизими.

В) Сенат — Ўзбекистон ҳукумати тарихида янгилик.

Д) Сайлов натижалари бизга нима беради?

Е) Олий Мажлиснинг сайловдан кейинги фаолияти.

Икки ўқувчи дунё ва Ўзбекистондаги сиёсий воқеалардан қисқача ахборот беради. Ўқитувчи ўқувчилар фикрини жамлаш мақсадида "Ақлий ҳужум" ўйинини енгилроқ вариантда ўтказиши мумкин. Дарс мавзусидан келиб чиқиб саволлар берилади:

1. Нима учун сайлов ҳуқуқи 18 ёшдан кейин берилади?

2. Фуқаролиги йўқ, лекин Ўзбекистонда ишлаётган чет элликлар сайловга қатнашадими?

3. Агарда фуқаро бундан бир неча йиллар олдин судланган бўлса, у сайловда қатнашадими?

4. Сайловда бошқа кишининг номидан ҳам овоз бериш мумкинми?

5. Қандай холатларда такрорий овоз берилади?

Шу каби саволларга жавоб берилгач, дарс бошланади.

1-ўқувчи: — Ҳурматли устозлар, дўстлар, даврамизга хуш келибсиз. "Биз кимни сайлаймиз?" деб номланган дарсимизни бошлаймиз. Бугун биз муҳокама этмоқчи бўлган мавзу жуда долзарб, кўпчилигимизда сайлов юзасидан саволлар туғилганлиги табиий, албатта. Бизнинг даврамизда сайлов соҳасига тааллуқли кишилар ҳам иштирок этмоқда, улар саволларга жавоб берадилар. Энди мунозара саволларини бошлашдан олдин сайлов тўғрисида тўхталиб ўтмоқчиман.

Сайлов — бу бизнинг Конституцияга биноан берилган сиёсий ҳуқуқимиз. Биз сайловга борганда маҳалламиз, туманимиз, вилоятимиздан муносиб номзодни танлаб овоз берамиз. Биз кўрсатган номзод бевосита ўша сайланган жойдаги халқнинг хоҳиш-иродасини ифода этадиган кишидир. Янаям очиқроқ айтсак, биз сайлайдиган киши халқнинг оғир юкини ўз елкасида кўтара оладиган фуқаро бўлиши керак. Мустақилликка эришганимиздан буён ўтказилган сайловларда халқимиз зарур тажриба орттирди. Энди ҳудудимиздаги сайлов комиссиясининг раисига юзланмоқчиман. У киши бизга сайлов ўтказиш тартиби ҳақида сўзлаб берадилар. Марҳамат:

2-ўқувчи: — (Сайлов комиссияси раиси) 18 ёшдан сайлаш, 21 ёшдан сайланиш ҳуқуқига эгамиз. 21 ёшга тўлган фуқаро маҳаллий органларга, яъни, туман, вилоят кенгаши депутатлигига сайланади. 25 ёшга тўлганлар Олий Мажлис депутатлигига сайланиши мумкин. 18 ёшга етмаганлар, озодликдан маҳрум этилганлар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, ақлий заифлар сайловда иштирок этмайди. Сайлов жараёнида ҳамма учун тенг имкониятлар берилади.

3-ўқувчи: — 26 декабрда бўладиган сайловда биз кимни, қандай сайлаймиз?

Сайлов комиссияси раисининг жавоби: — 26 декабрда бўладиган сайловда биз туман, вилоят кенгашлари, Олий Мажлис депутатларини сайлаймиз. Бу сайловда 3 та бюллетень — яъни, ҳар бир органга алоҳида берилади. Ҳар бир бюллетенда номзодлардан фақат биттаси қолдирилса, у ҳақиқий ҳисобланади.

4-ўқувчи: — Сайлов куни сайловчи ўзи хоҳлаган кишининг номзодини кўрсатиши мумкинми?

Сайлов комиссияси раиси: — Йўқ, сайлов кунига 15 кун қолганда номзодлар кўрсатиш тўхтатилади. Сайлов куни фақат кўрсатилган номзодлар учун овоз берилади.

Ўқитувчи: — Сизга катта раҳмат айтамиз ва таклиф этилган меҳмонимиз — Олий Мажлис депутатига сўз берамиз.

Депутат: — Шу вақтга қадар Олий Мажлис 250 нафар депутатдан иборат Ўзбекистоннинг қонун чиқарувчи органи эди. Эндиги қонун чиқарувчи орган, аввалгисидан тубдан фарқ қилади. Олий Мажлис 2 палатали бўлади. Қуйи палата ва Сенат. Қуйи палатага 120 нафар депутат бевосита 26 декабрь куни сайланади. Бу палата доимий ишлайдиган, қонунлар ишлаб чиқарувчи органдир. Қуйи палатага сайланган депутатлар ишдан ажралган ҳолда Олий Мажлисда фаолият юритадилар.

5-ўқувчи: — Ҳадемай 26 декабрда сайлов ҳам ўтади. Хўш, бу сайлов бизга нималар беради?

6-ўқувчи: Мен бу саволга ўзимнинг фикримни билдирмоқчиман. Биз мустақил бўлганимиздан буён ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан боряпмиз. 13 йиллик мустақиллик даврида демократик сайловлар шакллана бошлади. Биз дунёнинг етакчи давлатларидаги каби демократик сайловлар тарафдоримиз. Қачонки кимни, қаерга, нима учун сайлаётганимизни чуқур англаб етсак, мақсадимизга етган ҳисобланамиз.

7-ўқувчи: Бизга маълумки мустақил бўлганимиздан буён 150 га яқин қонунлар қабул қилинди. Уларнинг ижроси қандай бўлмоқда? Қонунлар қабул қилингач, ҳаётда амал қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди. Қабул қилинган қонунлар инсонлар ҳаётини яхшилашга хизмат қилса, бу қонунлар барҳаётдир.

8-ўқувчи: Яна биз шунга амин бўлдикки, туман, вилоят кенгашлари, Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг дастурлари билан яқиндан танишиб, биз учун энг муносибига овоз беришимиз керак.

Ўқитувчи: Ҳурматли иштирокчилар, шу ерда мунозарани тугатсак. Мавзудан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, сайлов ҳақида анча тушунчага эга бўлдик. Келинглар, энди синфимиздан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатига лидер сайлаймиз. Қани, орангиздан номзод кўрсатингчи.

3 нафар номзод кўрсатилади. Уларнинг фамилияси сайлов бюллетенига ёзилади. Ўқувчилар сайлов қутиси олдига келиб номзодларнинг биттаси учун овоз беради. Холис 2 киши овоз бериш қутисини очиб бюллетенни санайди ва синф лидери эълон қилинади. Дарсда фаол иштирок этган ўқувчилар ўқитувчи томонидан рағбатлантирилади.

Дарсни "Ma'rifat"нинг махсус мухбири Ойбуви ОЧИЛОВА кузатди.

Сайловга 4 кун қолди



САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

26 декбрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва вилоят, туман шаҳар кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга қизғин тайёргарлик ишлари кетмоқда. Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси ҳам шу масалаларга бағишланди. Мажлисда алоқадор идора ва ташкилотлар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва хорижий кузатувчилар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Аъзам Избосаров, Ички ишлар вазири ўринбосари Зуҳриддин Бобокалонов ҳамда Мудофаа вазири ўринбосари Маннобжон Аҳмедовнинг сайловга тайёргарлик борасидаги ишлар юзасидан ахбороти тингланди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Марказий банк мутахассислари билан ҳамкорликда Марказий сайлов комиссиясининг ягона компьютер тармоғи яратилди. Бу сайлов куни барча округ сайлов комиссиялари билан боғланиш имконини беради.

Мамлакатимиз ҳудудидаги барча сайлов округлари ва участкаларида, сайлов куни овоз бериш хоналарида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, йўл-транспорт ҳаракати хавфсизлигини жиддий назорат қилиш ва, умуман, ана шу муҳим оммавий тадбирни тинч ва бехавотир ўтказишдек масъулиятли вазифа алоҳида эътиборда тургани таъкидланди.

Марказий сайлов комиссияси вакиллари жойларда бўлиб, сайлов округлари ва участкаларининг сайловга тайёргарлиги билан боғлиқ аҳволни чуқур ўрганмоқда. Оммавий ахборот воситалари томонидан ҳам айрим сайлов участкаларидаги қониқарсиз ҳолатларга бир неча бор эътибор қаратилди.

Йиғилишда мазкур масала юзасидан Тошкент шаҳри Собир Раҳимов тумани ҳокими Бахтиёр Ҳакимов, Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри ҳокими Абдураҳим Чориев ва Сирдарё вилояти Янгиер шаҳри ҳокими Аҳад Остоновнинг ахбороти тингланди. Тегишли ҳудудларда бу борада йўл қўйилган баъзи камчилик ва нуқсонлар бартараф қилингани қайд этилди.

Бундан кўриниб турибдики, республикамизнинг барча ҳудудларида сайлов билан боғлиқ бўлган ишлар ўз ечимини топмоқда. Демак, ҳар бир киши учун муҳим саналаётган бу тадбирда ҳеч ким четда қолиши керак эмас.

Равшан МАШАРИПОВ

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси Чилонзор тумани халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда туманнинг "Катта Дўмбиробод" маҳалласи ҳамда 131-мактаб жамоаси иштирокида сайловолди учрашувини ўтказди.

4-махсус мактаб-интернатда ўтган учрашувда мана шу ҳудуддан депутатликка ўз номзодини қўйганлар сайловолди дастурлари билан йиғилганларни таништирдилар.

САЙЛОВОЛДИ УЧРАШУВИ

"Зулфияхоним қизлари" клуби аъзолари, "Қизлар давраси", "Ўзбегим ўғлонлари" кўрсатувлари иштирокчиларининг чиқишлари барчада катта таассурот қолдирди.

131-мактаб қошида ташкил этилган "Дуторчи қизлар" дастасининг илк чиқиши ҳам мана шу тадбирда бўлди.

МУХБИРИМИЗ

КУЗАТУВЧИЛАР САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК БИЛАН ТАНИШМОҚДА

Мамлакатимизда 26 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловга кўплаб ривожланган давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлардан кузатувчилар таклиф этилган. Жумладан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) Ўзбекистондаги сайловларни кузатиш бўйича чекланган миссияси жойларда сайловга тайёргарлик ишлари билан яқиндан танишмоқда.

Фарғона вилоятида иш олиб бораётган Жон Салленс ва Андреас Кольшуттер ҳам ЕХҲТ вакиллари.

— Ўзбекистонда парламентаризмнинг янги кўриниши шаклланаётгани мамлакатингиз тарихидаги муҳим сиёсий воқеадир, — деди Жон Салленс ЎзА мухбирига. — Саноқли кунлардан сўнг ўтадиган сайловлар демократик тамойиллар асосида, очиқ ва ошкора ўтишига ишонаман. Чунки мамлакатингизда бу тадбирга тайёргарлик қизғин. Биз бу жараён билан жиддий танишишга ҳаракат қилаяпмиз.

Ҳозиргача бир неча сайлов округи ва участкаларида бўлдик, сайловчилар билан учрашдик. Шунингдек, юртингизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, улкан ўзгаришлар, айниқса, ўзбек халқининг бой тарихи, қадриятлари, қадимий обидалари ва замонавий иншоотлари бизда катта қизиқиш уйғотди.

— Фарғонанинг сўлим табиати, халқингизнинг меҳмондўстлиги менга жуда ёқди, — дейди Андреас Кольшуттер. — Мен Ўзбекистоннинг қадимий тарихга эга ўлка эканидан хабардор эдим.

Қўқон шаҳридаги меъморий ёдгорликлар, музейларни бориб кўрганимизда, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Келгусида юртингиз бўйлаб сайёҳатда бўлиш ниятидаман.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири

ТАЪЛИМДА ВАСИЙЛИК КЕНГАШИ

Лойиҳалар муҳокамасида қатнашинг: бу барча учун муҳим!

Республика Халқ таълими вазирлигида халқ таълими тизимидаги таълим муассасалари Васийлик кенгаши тўғрисида Низом ва таълим муассасасини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик васийлик жамғармасининг Устав лойиҳалари ишлаб чиқилди. Унга асосан халқ таълими тизимидаги таълим муассасаларининг Васийлик кенгаши ота-оналар қўмитаси таркибига кирувчи жамоатчилик уюшмаси ҳисобланиб, у ота-оналар ҳамда ҳомийлар ташаббуси билан ташкил этилади.

Хўш, Васийлик кенгашларини тузишнинг асосий мақсади нима ва ундан қандай натижалар кутилмоқда? Аввалambор шуни таъкидлаш жоизки, васийлик кенгашлари таълим муассасаларида ота-оналардан мажбурий тарзда нақд пулларнинг йиғилишига чек қўйиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағларини, хорижий кредит ва грантлардан самарали ва қатъий мақсадли фойдаланишни назорат қилиш, илм маскани моддий-техника базасини мустаҳкамлашда, ота-оналар жамоатчилигини онгли равишда юксак масъулиятни ҳис қилган ҳолда иштирок этишини таъминлаш мақсадларини кўзлайди.

Ҳукмингизга ҳавола этилаётган Низом ва Устав лойиҳаларининг қуйидаги муҳим жиҳатларига алоҳида эътибор қаратишингизни сўраймиз:

Васийлик кенгаши ва таълим муассасаси маъмурияти ўртасидаги баҳсли масалаларни ҳал қилиш ваколати кимга берилиши мумкин?

Юридик шахс мақомига эга бўлмаган муассасалардаги васийлик кенгашлари молиявий масалалар юзасидан қайси субъект билан мулоқотда бўлиши мақсадга мувофиқ?

Васийлик кенгаши томонидан жалб қилинган нақд пулни ишлатилишига қандай эркинликлар берилиши ва кимнинг жавобгарлиги белгиланиши зарур?

Васийлик кенгаши тузилиши муносабати билан муассаса раҳбарининг ваколатлари қайси йўналишларда кучайтирилиши ва қайси йўналишларда чекланишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайсиз?

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, педагоглар жамоасига ўқув-тарбия ишларини такомиллаштиришда кўмаклашиш; муассасада болалар билан турли оммавий тадбирлар, кечалар, саёҳатлар, учрашувлар, соғломлаштирувчи ва ривожлантирувчи тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашиш; ота-оналар, ҳомийлар, оталиқ ташкилотлари ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслар томонидан кўрсатилаётган меҳр-мурувват ёрдамлари, бюджетдан ташқари маблағлар топишнинг шаклларини такомиллаштириш ва жорий этиш юзасидан муассаса раҳбариятига таклифлар бериш; муассасада ишлаб чиқаришни ташкил этиш, таълим хизматлари кўрсатиш орқали бюджетдан ташқари маблағлар жамғармасини барпо этиш, унинг мунтазам бойиб боришини таъминлаш, молиявий, моддий-техникавий ривожланишнинг бошқа йўналишларини белгилашда жамоага кўмаклашиш; бюджетдан ташқари тушган маблағлар (пул, жиҳозлар, дарслик ва бошқа моддий бойликлар)ни ўз вақтида ҳисобга олиш, мақсадли тақсимлаш ва ишлатилишини йўлга қўйилиши устидан изчил назорат ўрнатиш масалалари Васийлик кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади.

Шунингдек, ушбу лойиҳаларда Васийлик кенгашининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, бошқарув тузилмаси ва фаолияти ҳамда муассаса раҳбарининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари берилган.

Халқ таълими тизимидаги муассасалар васийлик кенгашлари фаолиятларини самарали ташкил этиш ва уни ҳар томонлама такомиллаштириш юзасидан жойлардан фикр-мулоҳазалар кутиб қоламиз.

Мурожаат учун манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 80-уй. Республика Халқ таълими вазирлиги

Loyiha

Халқ таълими тизимидаги таълим муассасалари Васийлик кенгаши тўғрисида

НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Халқ таълими тизимидаги таълим муассасалари Васийлик кенгаши (Кейинги ўринларда «Кенгаш» деб юритилади) таълим муассасаси ота-оналар қўмитаси таркибига кирувчи жамоатчилик уюшмаси ҳисобланади ва ота-оналар ҳамда ҳомийлар ташаббуси билан ташкил этилади.

2. Кенгаш муассасанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда:

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағларини, хорижий кредит ва грантлардан самарали ва қатъий мақсадли фойдаланишни назорат қилиш;

«2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий Дастури»га киритилган муассасаларнинг инфратузилмасини ривожлантириш ишларида муассаса раҳбарига яқиндан ёрдам бериш ишларини ташкил этади.

3. Кенгаш фаолияти муассаса Устави, «Умумий ўрта таълим мактаблари ота-оналар қўмитаси тўғрисида"ги низом, мазкур Низом ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатлари асосида олиб борилади.

4. Кенгаш таркибига муассасадаги ҳар бир синф ёки гуруҳдан ихтиёрий асосда ўқувчи-тарбияланувчиларнинг ота-оналари жамоатчилиги вакиллари киритилади.

II. Васийлик кенгашининг мақсади ва асосий вазифалари

1. Кенгаш таълим муассасаларининг ўз-ўзини бошқариш шаклларидан бири бўлиб, қуйидагилар унинг мақсади ҳисобланади:

таълим-тарбия олувчиларнинг тўлақонли билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш;

муассасанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, педагоглар жамоаси, таълим олувчилар ва бошқа ходимларнинг иш ва ўқиш шароитини яхшилаш.

2. Қуйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

педагоглар жамоасига ўқув-тарбия ишларини такомиллаштиришда кўмаклашиш;

муассасада болалар билан турли оммавий тадбирлар, кечалар, саёҳатлар, учрашувлар, соғломлаштирувчи ва ривожлантирувчи тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашиш;

ота-оналар, ҳомийлар, оталиқ ташкилотлари ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслар томонидан кўрсатилаётган меҳр-мурувват ёрдамлари, бюджетдан ташқари маблағлар топишнинг шаклларини такомиллаштириш ва жорий этиш юзасидан муассаса раҳбариятига таклифлар бериш;

муассасада ишлаб чиқаришни ташкил этиш, таълим хизматлари кўрсатиш орқали бюджетдан ташқари маблағлар жамғармасини барпо этиш, унинг мунтазам бойиб боришини таъминлаш, молиявий, моддий-техникавий ривожланишнинг бошқа йўналишларини белгилашда жамоага кўмаклашиш;

бюджетдан ташқари тушган маблағлар (пул, жиҳозлар, дарслик ва бошқа моддий бойликлар)ни ўз вақтида ҳисобга олиш, мақсадли тақсимлаш ва ишлатилишини йўлга қўйилиши устидан изчил назорат ўрнатиш.

III. Кенгашнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

1. Кенгаш юкланган вазифалар ва фаолият йуналишларини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

муассасанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчи ва тарбияланувчиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

фан олимпиадалари, спорт мусобақалари, турли кўрик-танловлар ғолибларини, аълочи ўқувчи ва тарбияланувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш;

фан хоналарини замонавий кўргазмали ва техник воситалар билан жиҳозлаш, кутубхона жамғармасини бойитиш, таъмирлаш ва бошқа хўжалик эҳтиёжларини қондириш;

таълим-тарбия олувчиларга билим беришда мунтазам юқори натижаларни қўлга киритиб келаётган педагогларни моддий рағбатлантириш юзасидан муассаса маъмуриятига ва ота-оналар қўмитасига таклифлар бериш ва ҳоказо.

2. Кенгаш қуйидагиларга мажбур:

таълим-тарбия олувчиларнинг тўлақонли билим олишлари учун тегишли шароит яратишда, ўсиб келаётган авлод ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат сиёсати ва дастурларини амалга оширишда фаол қатнашиш;

муассасанинг фаолият дастурини ишлаб чиқишда ҳар томонлама кўмаклашиш ва унинг ишларини ўз вақтида назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

молиявий ва моддий маблағлардан муассасанинг олдинга қўйилган вазифаларга мувофиқ қатъий мақсадли фойдаланилишини таъминлаш.

IV. Кенгашнинг бошқарув тузилмаси ва фаолияти

1. Кенгашнинг умумий мажлиси — Кенгаш бошқарувининг олий органи бўлиб, у кенгаш фаолиятининг барча соҳаларини такомиллаштиришга доир қарорлар қабул қилади. Кенгашнинг умумий мажлиси бир йилда камида бир марта чақирилади.

2. Умумий мажлис:

Кенгаш бошқаруви таркибини ва унинг раисини тасдиқлайди (Кенгаш раислигига муассаса маъмурияти аъзолари сайланиши мумкин эмас);

Кенгаш фаолиятининг асосий йўналишларини аниқлайди;

унинг доимий ва вақтинчалик комиссиялари таркибини тасдиқлайди;

муассасанинг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича тузилаётган харажатлар сметасини ва унга киритилаётган ўзгаришларни келишувдан ўтказади;

раиснинг, бошқарув ходимлари ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботини эшитади ва тасдиқлайди;

Кенгаш фаолиятини ўзгартириш, қайта тузиш ёки тугатиш масалаларини ҳал қилади.

3. Кенгаш бошқаруви:

Умумий ҳисобот-сайловлари оралиғида кенгаш ишини бошқаради. Унинг таркиби муассасадаги синфлар ёки гуруҳлар сони билан белгиланади. Васийлик кенгаши бошқаруви аъзолари бир йил муддатга сайланади. Бошқарув аъзолари бир йилда 4 маротаба ўз мажлисларини ўтказадилар. Бу мажлислар очиқ тарзда ўтказилиб, унга ота-оналар қўмитаси ва васийлик кенгашининг исталган ходими маслаҳат овози билан қатнашиши мумкин.

4. Бошқарув:

Кенгаш дастури ва лойиҳаларини долзарблигини белгилайди, ота-оналар, ҳомий ёки оталиқ ташкилотларидан ва бошқа манбалардан тушадиган маблағларни Бюджет ташкилотларни ривожлантириш жамғармасига ўтказиш тартибини белгилайди;

у ота-оналар қўмитаси ва Кенгаш номидан ҳомийлик ёрдами, бюджетдан ташқари маблағ топиш бўйича турли битимлар, шартномалар тузади;

муассасанинг ва Кенгаш тафтиш комиссиясининг бюджетдан ташқари маблағлар тушум (пул, анжомлар, қурилиш материал)ларининг муассасада белгиланган тартибда ҳисобга олиниши ва уларнинг ишлатилиши ҳамда бажарилган ишлар тўғрисида ҳисоботларини тинглайди;

келиб тушган маблағларнинг тақсимланиши, миқдорини, қайси мақсадлар учун сарфланиши долзарброқ эканлигини белгилайди;

ўз иш фаолияти тўғрисида мунтазам тарзда мактаб ота-оналар қўмитаси ва ота-оналар жамоатчилигига ахборотлар бериб туради;

Кенгаш бошқаруви, тафтиш комиссияси ҳисоботларини, қарорлари ва тавсияларини тасдиқлайди;

Кенгаш бошқаруви аъзолари жамоатчилик асосида фаолият юритадилар.

5. Кенгаш раиси:

аксарият ҳолларда кенгаш раислигига ота-оналар қўмитаси раисининг муовини сайланади;

Васийлик кенгашининг раиси турли идоралар, ташкилотлар, фирмалар, хўжаликлар, чет эл давлат ва нодавлат ташкилотлари, жисмоний шахслар билан Кенгаш номидан битимлар, шартномалар тузади ва бошқа келишувларни амалга оширади, унинг номидан иш кўради.

Ўз номидан қарорлар, фармойишлар, йўриқномалар ва бошқа хужжатлар чиқаради.

6. Кенгаш аъзолари

Кенгаш таркибига барча синф ота-оналари номидан вакил қилинган ўқитувчи ва тарбиячилар, ҳомий ташкилотлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари қатнашишлари мумкин.

7. Кенгаш таълим муассасасининг жорий ва истиқбол режаларини бажариш мақсадида қўшимча ташкилий тузилмасини барпо этиши мумкин. Ташкилий тузилма шакл ва мазмуни васийлик кенгаши бошқарувининг мажлисида тасдиқланади.

8. Тафтиш комиссияси:

Таълим муассасага берилаётган ҳомийлик ёрдамлари ва бюджетдан ташқари тушаётган бошқа маблағларни муассаса раҳбари билан Кенгашнинг умумий мажлисида келишилган бюджетдан ташқари маблағларнинг харажат сметаси асосида фойдаланиши тўғри ва адолатли ташкил этилганлиги устидан назорат юритади.

Тафтиш комиссияси ҳомийлик кенгашининг умумий мажлисида бир йил муддатга сайланади. Тафтиш комиссияси Кенгаш раиси топшириғига мувофиқ мактабга келиб тушган маблағларни рўйхатдан тўғри ўтказилганлигини, қилинган сарф-харажатларнинг ҳаққоний амалга оширилганлигини бир йилда камида икки марта тафтиш қилиш ҳуқуқига эга. Тафтиш комиссиясининг фаолияти васийлик кенгашининг умумий мажлисида тасдиқланган Низом асосида олиб борилади.

V. Якуний қоидалар

Кенгашни қайта тузиш ва уни тугатиш ҳомийлик кенгаши йиғилишида амалга оширилади.

Таълим муассасасини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик васийлик жамғармасининг УСТАВИ

Loyiha

I. Умумий қоидалар

1.1. Таълим муассасасини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Васийлик жамғармасининг (кейинги матнда «Жамғарма» деб аталади) мақсади ота-оналар ва ҳомий ташкилотларнинг таълим муассасасидаги таълим-тарбия ишларини такомиллаштиришда, моддий-техника негизини яхшилашда ва муассаса фаолиятини бошқаришда фаол иштирокини таъминлашдан иборат.

1.2. Жамғарма юридик ва жисмоний шахслардан, ота-оналардан турли шаклдаги моддий ёрдамни жамлаш ва таълим муассасаси фаолияти самарадорлигини оширишда жамоатчилик имкониятидан кенг фойдаланиш учун ташкил этилади.

1.3. Жамғарма фаолияти меҳр-мурувват ва ҳомийлик ишларидан иборат бўлиб, маблағларнинг келиб тушиш йўлларидан қатъи назар Уставда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга сарфланади.

1.4. Жамғарма мустақил жамоа ташкилоти бўлиб, таълим муассасаси доирасидагина таъсир кучига эга.

1.5. Жамғарманинг юридик манзили:

2. Жамғарманинг мақсад ва вазифалари

2.1. Жамғарманинг асосий мақсадлари:

таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлашда, замонавий техника воситалари билан жиҳозлашда, молиявий фаолият самарадорлигини янги поғонага кўтариш масалаларини ҳал қилишда амалий ёрдам кўрсатиш;

муассасада амалга оширилаётган ижобий ишларни, инновацияларни, педагогларни юқори савияда билим беришларини, таълим олувчиларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаш;

таълим олувчилар билан ўтказиладиган маданий-маърифий ва жисмоний-соғломлаштириш ишларига ҳомийлик қилиш.

3. Жамғарманинг фаолият йўналишлари

3.1. Педагогик жамоа ва ота-оналар жамоатчилиги билан биргаликда қуйидаги ишларни амалга оширади:

мактаб ютуқларининг тақдимотлари, хайрия концертлари, кўргазмалар, кўрик-танловлар ва бошқа тадбирларни ўтказади, тадбирлардан тушган маблағларни кам таъминланган ўқувчилар оилаларига моддий ёрдам сифатида сарфлайди;

фан олимпиадаларини, оммавий спорт мусобақаларини ўтказишда ҳомий сифатида иштирок этади, ғолибларга мукофотлар тақсимлайди.

4. Жамғарманинг иштирокчилари

4.1. Жамғарманинг иштирокчилари бўлиб барча таълим-тарбия олувчиларнинг оилалари, ота-оналари ишлайдиган ташкилот ва корхоналар (мулкчилик шаклидан қатъий назар), муассаса педагогик жамоаси, нодавлат ташкилотлари, ҳомий ташкилотлар, жамоат уюшмалари ва жисмоний шахслар ихтиёрий равишда иштирок этишлари, жамғарманинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда ўз ҳиссаларини қўшишлари мумкин.

4.2. Жамғарманинг иштирокчилари қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

шахсан ёки ўз вакиллари орқали жамғарманинг иш фаолиятида Уставда белгиланган тартибда иштирок этиш;

жамғарманинг фаолияти ҳақида маълумотлар олиш, бухгалтерия ҳисоботлари ва жамғарманинг бошқа маълумотларини олиш.

4.3. Жамғарма иштирокчилари мазкур Устав қоидаларини, таъсисчи сифатида қабул қилинган ва имзоланган ҳужжатларни, ўз зиммаларига олган мажбуриятларининг бажарилишини таъминлашлари шартдир.

4.4. Уставга биноан жамғарма фаолиятининг асосий йўналишларини 1 йил муддатга белгилайди.

5. Жамғармани бошқариш

5.1. Жамғарма таълим муассасаси Васийлик кенгаши томонидан бошқарилади.

5.2. Васийлик кенгаши жамғарманинг Уставини тасдиқлайди, унга ўзгартиришлар, қўшимчалар ва аниқликлар киритади.

5.3. Ўз таркибидан Васийлик кенгаш раисини (Устав жамғармасининг вакили бўлиши керак), ғазначи, котиба ва тафтиш комиссия аъзоларини сайлайди.

6. Жамғарма маблағлари

6.1 Жамғарма фаолиятини юритиш учун таъсисчилар ва қатнашчилар томонидан ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида топшириладиган бадаллар эвазига Устав жамғармаси ташкил этилади.

6.2 Устав жамғарма миқдорини ўзгартириш фақат таълим муассасаси Васийлик кенгаши хулосаларига кўра амалга оширилади.

6.3. Жамғарма маблағларини ташкил этиш ва кўпайиши манбалари қуйидагилар бўлиши мумкин:

жисмоний шахслар, корхона ва ташкилотларнинг (жамғарма қатнашчиларининг) ихтиёрий ҳомийлик бадаллари;

жамғарманинг ишлаб чиқариш фаолиятидан тушган сармоялар;

инвестицион дастурларида қатнашиш эвазига тушган фойда;

ҳайрия тадбирлари, ярмаркалар, аукционлар, концертлар ва бошқа хайрия тадбирларидан тушган маблағлар;

қонун доирасида чегараланмаган бошқа фаолиятлар ва маблағлар манбалари.

7. Жамғарманинг тугатилиши

7.1. Жамғарма фаолияти таълим муассасаси Васийлик кенгаши хулосасига кўра тугатилади.

ЎҚИТУВЧИЛАР УЧУН ИМКОНИЯТ

«Ma'rifat» tanlovi

Хабарингиз бор, халқ таълими вазирлиги тизимида чоп этилаётган матбуот нашрлари масъул ходимлари томонидан обуна мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида муштарийлар билан жойларда учрашувлар ташкил этилиб «Матбуот кунлари» ўтказилган эди. Ана шу учрашувларда «Ma'rifat» газетасининг мухлису муштарийлари ҳам ўз севимли нашрлари тўғрисида фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдиришди. Шу таклифлар орасидан «Ma'rifat» tanlovi – ойлик танловига ўқитувчи-мураббийларни кенг жалб қилиш мақсадида **«Энг яхши бир соатлик дарс»** номинациясини ҳам киритиш лозимлиги ҳақидаги таклифни танлов таҳлил гуруҳи аъзолари кўриб чиқиб, танловга киритди. Азиз ўқитувчи-мураббийлар! Энди сиз 45 минутлик дарсингизни нафақат мактаб синфхонасида балки, мухлису муштарийлар, ҳамкасбларингиздан иборат кенг аудиторияда ҳам ўтиш имкониятига эга бўлдингиз.

Сизлардан танловда ғолибликни қўлга киритадиган энг сара дарсларни кутиб қоламиз.

Барчага ижодий баркамоллик тилаб, танловнинг ноябрь ойи ғолибларини эълон қиламиз:

«Энг яхши бир соатлик дарс» номинацияси бўйича ғолибликни Термиз шаҳридаги 11-мактаб ўқитувчиси Дилбар Нормуродова **«Кўргазмали дарслар»**и (20 ноябрь сони) орқали қўлга киритди.

«Мактабдан қочиб кетган келинлар 14-15-16 ёшда...» сарлавҳали мақола (муаллиф Ҳусан Нишонов, 3 ноябрь сони) **«Энг яхши мақола»** бўлди.

«Энг яхши интервью» номинацияси учун кўрсатилган номзодлар орасидан **«Ўқувчингизни фарзандингиздек яхши кўринг»** (Н.Холметова, 27 ноябрь) суҳбат-интервью ғолиб деб топилди.

«Келажакни кўзлаб» сарлавҳали хабар (муаллиф – Х.Султонов, 10 ноябрь сони) **«Энг яхши янгилик»** номинацияси бўйича ғолиб бўлди.

«Энг яхши сурат, фото-лавҳа» номинацияси бўйича газетанинг 3-ноябрь сони 1-саҳифасида берилган қизалоқнинг сурати (муаллиф – Ҳ.Абдуллаев) биринчиликни қўлга киритди.

«Талаба-журналистнинг энг яхши публицистик асари» номинациясида ЎзДЖТУ талабаси Севара Норбўтаеванинг **«Ўқувчилар «муҳаббат синовлари»га тайёрми?»** мақоласи ғолиб бўлди.

Ғолибларни чин дилдан табриклаймиз!

БАЙРАМ ҲУШЁРЛИКНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

Газетамизнинг ўтган сонларидан бирида «3 сўм 22 тийинлик хавф» сарлавҳаси остида пиротехника воситаларининг хавфи ҳақида мақола чоп этган эдик.

Янги йил яқинлашиб келаётгани боис, кўча-кўйларда, мактаб атрофида ва ҳатто мактаб бинолари ичида ҳам «портлаш» овозлари тобора кўпайиб бормоқда. Ҳатто баъзи юраги хаста кишилар кўчага чиқишга ҳам чўчийдиган бўлиб қолди. Бехосдан ёнингизда нимадир «портлаб» кетса қўрқиб кетишингиз табиий-да.

Ана шундай «бебош» болаларни ўзларининг севимли машғулотлари пайтида қўлга тушириш, улардан бу ўйинни ўйнаб, қандай барака топишларини сўраш, пиротехника воситаларини ўйнаш оқибатида жароҳатланган болаларнинг тавба-тазарруларини эшитиш мақсадида Тошкент шаҳар ИИБга қарашли ҳуқуқбузарликни олдини олиш бўлими вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш Марказининг бир гуруҳ ходимлари билан рейд ўтказдик.

Лейтенант Олимжон Мурдинов, кичик сержант Рамзиддин Асомов, сафдорлар Ҳожиакбар Холматов, Шерзод Исаев билан бирор бир мактаб ёнида шундай эрмак билан шуғулланаётган болаларни «қўлга олишга» қарор қилдик.

Пиротехника воситаларини сотаётган кишилар, уларни ўйнаётган болалар, вояга етмаганларни турли ҳуқуқбузарликлар содир этаётгани ҳақида суҳбатлашиб 1-ТошМИга ҳам етиб келдик.

2-хирургия бўлимига кириб, йўлакдаги оқ халатли кишига мақсадимизни айтдик.

— Ҳозирча бундай беморлар йўқ, лекин ўтган йили янги йил кечасида ва таътил пайтида пиротехника воситаларини ўйнаш орқали жароҳатланган болалар бироз кўпайган эди, — деди суҳбатдошимиз.

1-шаҳар клиник шифохонасининг куйганлар бўлими шифокори Робия Жуманиёзова «Худога шукр, ҳозирча бирорта ҳам бундай бемор олиб келинмади. Суюнишга ҳали эрта. Чунки янги йил яқинлашмоқда», деб суҳбатни бошлади. Ўтган йилги мана шундай ҳодисалар билан жароҳатланиб, бу ерга келтирилганлар билан қизиқдик.

— Ўтган йили бизнинг бўлимга тўрт нафар шундай нохуш ҳодиса туфайли жароҳатланган бола олиб келинган.

Менимча, бу масалани пиротехника воситалари сотувини таъқиқлаш, бутунлай чеклаш орқали ҳал этиш мумкин. Мана шундай моллар билан савдо қилган кишилар қаттиқ жазоланиши керак. Болалар пиротехника воситасини ўйнаб жароҳатланса, унинг товушидан чўчиб кетган баъзи кишилар юрак хасталиги, қўрқоқлик, тутқаноқ касалликларига чалиниб қолишлари мумкин. Бу — бола нафақат ўзини, балки атрофдагиларни ҳам қайсидир маънода жароҳатлаяпти, дегани.

Бундай воситаларнинг мактаб яқинида бемалол сотилишига нима дейсиз? Мактаб раҳбарлари, ўша ернинг нозирлари буни назорат қилиши, болалар билан пиротехника воситаларининг зарарли оқибатлари ҳақида суҳбатлар ўтказиб туришлари керак. Ота-онанинг ҳеч бири бу матоҳга пул бермайди, йўл пули, тушликда овқатланиши учун берилган пуллар ҳисобига бундай «ўйинчоқлар» сотиб олинади. Бу иллатни йўқотишнинг бирдан-бир йўли, унинг бозорларимизга кириб келишига йўл қўймаслик.

Шифокорнинг таъкидлашича, ОАВ ва ҳуқуқ-тартибот органлари биргаликда олиб борган ҳаракатлари туфайли ўтган йилдан бундай ҳодисалар анча камайган. 2000-2003 йиллар оралиғида пиротехника воситаларини ўйнаш оқибатида турли даражада жароҳат олган болалар ва ҳатто катта ёшли кишилар ҳам шифохонага кўп келтирилган экан.

Янги йил яқинлашиб қолди, таътил ҳам. Бу эса, ҳаммамиздан яна бир бор ҳушёрликни талаб қилади.

Шарифа МУРОДЖОН қизи

ТАЛАБАЛАРНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Xabar

2005 йилнинг «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабалари «Сиҳат-саломатлик ва ёшлар» мавзуида матбуот конференцияси ўтказдилар.

Бўлажак журналистлар ярим йиллик ўқув дастурига киритилган «Матбуот хизмати» фанидан олган назарий билимларини қанчалик ўзлаштирганликларини мазкур конференцияда намойиш қилдилар.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг матбуот хизмати фаолияти мисолида бўлиб ўтган конференцияда талабалар ўзлари норасмий соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари ва матбуот котибини сайлашди. Қолганлар эса, рамзий маънодаги юртимиз ва хорижий ОАВ вакилларига айланишди. Тартибга биноан пресс-релизлар тарқатилди.

Шундан сўнг «вазир» ва унинг «ўринбосари» сўз олиб, ёшлар орасида учраётган касалликлар ҳамда уларга қарши курашишдаги ёшларнинг ҳиссаси ҳақида гапирди.

Халқаро кузатувчи сифатида конференцияни кузатиб борган домлалар Бойбўта Дўстқораев, Сайди Умиров ва ушбу фан ўқитувчиси Тўлқин Эшбек бўлғуси журналистларнинг хорижий тилда қандай савол беришидан тортиб, таржимонлик маҳоратигача, қўйингки, бутун жараённи кузатиб, талабаларни баҳолаб бордилар.

Шундан сўнг даврага «Камолот» ЁИҲ марказий кенгашининг раиси Ботир Убайдуллаевнинг кириб келиши норасмий конференцияни чинакам расмий конференцияга айлантириб юборди.

Қисқаси конференция давомида талабалар бугунги кунда жамоатчилик билан алоқаларни йўлга қўйишда матбуот котибларининг хизмати қанчалик беқиёс эканлигини кўрсатиб бердилар ва келажакда улардан яхши матбуот котиблари чиқишини исботладилар.

Зебо НАМОЗОВА

"Ijodkorlik — ezgu amal. Demak ijodkor hayoti davomida mudom ezgulik payida bo'ladi. Taqozo tufayli ijodkor bu dunyoda bo'lmasa ham uning ezgu amallari davom etadi: yozganlaridan kimdir nimanidir o'rganaveradi".

ҚИШКИ ТАЪТИЛНИ ҚАНДАЙ ЎТКАЗАСИЗ?

Metodik tavsiya

Ҳадемай, умумтаълим мактаб ўқувчилари учун қишки таътил эълон қилинади. Ўқувчиларнинг энг севимли ва ардоқли бўлган байрамларидан бўлмиш — Янги йил байрами айни шу таътил кунларида нишонланади.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари, ота-оналар, болалар етакчилари ўқувчиларнинг дам олишлари, Янги йил байрамини кўнгилдагидек ўтказишларига ҳаракат қиладилар. Айниқса, "Арча байрами", "Янги йил кечаси" уларнинг энг севимли тадбирларидан ҳисобланади. Байрам тадбирини мазмунли ўтказиш эса директор ўринбосарлари ҳамда болалар етакчиларидан шу мавзуга оид изланишларни талаб қилади. Байрам тартиботлари мазмунли ва қизиқарли бўлсагина болаларнинг хотирасида узоқ вақт сақланади. Ёшларнинг дидига мос тадбирлар режасини тузишда анъанавий усуллардан қочиш, янгича руҳдаги сценарийлар тайёрлаш керак.

Янги йил байрами тартиботи мазмунига мамлакатимизда, вилоят, шаҳар, туман, мактаб миқёсида амалга оширилган ижобий ўзгаришлар ҳисоботини киритиш мақсадга мувофиқдир. Ана шу ютуқларга эришишга ўз ҳиссаларини қўшаётган мактаб ўқувчиларини рағбатлантириш лозим. Янги йил байрамини қизиқарли, эсда қоларли тарзда ташкил этишда синф раҳбарлари, ота-оналар, ўқувчиларнинг фикр ва мулоҳазаларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Байрам ўтказиладиган жой чиройли безатилади. Хона деворларига Янги йилни тасвирловчи расмлар, деворий газеталар, аппликациялар (ўқувчилар ўртасида ўтказилган танлов ва кўргазмаларда ғолиб деб топилган ўқувчиларнинг ишлари) осиб қўйилади. Тадбир сценарийсини эса ўтказилган танловларда совринли ўринларни олган қўшиқ, шеър, кичик хандалар ва эртакларнинг янги талқини асосида тайёрланган саҳна кўринишлари билан бойитиш мумкин.

Таътил кунлари режасини тузишда, унинг ҳар бирининг ўзига хос ўрни, тартиби ёки мазмунини эътиборга олиш керак. Уни умумий тартибда, пала-партиш ўтказиб бўлмайди. Шу жиҳатдан олганда, 12 кунлик таътилнинг ҳар бир куни ўзига хос кўринишда бўлиши керак.

Биринчи кун. "Кумуш қиш" ёки "Салом, арча" деб номланган деворий газеталар, расмлар, шеър ва қўшиқлар танловини ўтказиш.

Иккинчи кун. Эртаклар оламига саёҳат рукни остида "Эртакларнинг янги талқини" ёки қиш мавсуми ҳақидаги қизиқарли эртаклар асосида 5-7 синф ўқувчилари ўртасида танлов ўтказиш. Танлов шартларидан муваффақиятли ўтган эртакларни жамлаб, бошланғич синф ўқувчилари учун ажойиб саҳна кўринишини тайёрлаш мумкин (Бу, албатта, етакчиларнинг маҳоратига боғлиқ).

Учинчи кун. "Бўлай десанг бақувват-бардам, спорт билан шуғулланг ҳар дам" шиори остида спорт мусобақаларини ўтказиш. Бунда жисмоний тарбия, чақириққача ёшларни тайёрлаш фани ўқитувчилари билан ҳамкорликда "Қувноқ стартлар", волейбол, футбол, стол тенниси, югуриш, баскетбол ва спортнинг бошқа турлари билан имкониятга қараб мусобақалар ташкил қилиш мумкин. Юқори ташкилотлардан буйруқ кутиб ўтирмасдан қўшни мактаб ўқувчилари билан спорт мусобақаларини ташкил қилиш фойдадан холи бўлмайди.

Тўртинчи кун. Бошланғич синф ўқувчилари учун "Кичкинтойлар эстрадаси" танловини ўтказиш (шеър, қўшиқ ва рақслар).

Бешинчи кун. "Буни ҳамма билиши керак" мавзусида (ҳар соҳадан бир шингил) шоу-викторина ўтказиш. Ўйин орқали ўқувчилар билим савиясини ўрганиш назарда тутилади.

Олтинчи кун. Маҳалла, мактаб фахрийлари ҳамда мактабнинг собиқ битирувчилари орасидан чиққан спорт усталари билан учрашувлар ўтказиш. Учрашув сўнгида танловларда ғолиб чиққан ўқувчиларнинг қўшиқ ва рақслардан ташкил топган байрам дастурини намойиш қилишни унутмаслик керак.

Еттинчи кун. Юқори синф ўқувчилари ўртасида "Қувноқлар ва зукколар" беллашувини ўтказиш.

Саккизинчи кун. "Саломатлик — туман бойлик" рукни остида ўқувчи-қизлар ўртасида "Биринчи тиббий ёрдам бериш усулларини биласизми?" мазмунида "Балли, қизлар" беллашувини ўтказиш. Мазкур тадбир мактаб педиатри ҳамда ҳамшираси билан ҳамкорликда ташкил этилади.

Тўққизинчи кун. Маҳаллалар билан ҳамкорликда "Онам, отам ва мен, спортчилар оиласи" мавзусида спорт мусобақасини ўтказиш.

Бошланғич синф ўқувчилари учун "Салом, арча", юқори синфлар учун "Янги йил" тадбирлари мактаб имкониятидан келиб чиққан ҳолда белгиланган тартибда ўтказилади.

Бу мазмунда иш олиб борадиган синф раҳбарлари учун алоҳида тавсия бермоқчимиз. Таътил кунлари эълон қилинишидан бир неча кун олдинроқ синф ота-оналар мажлиси ўтказилади. Йиғин, асосан, ўқувчиларнинг қишки таътил кунларини қай тарзда ўтказишларига қаратилади. Мактабда белгиланган тадбирлар ота-оналарга таништирилади. Сўнгра уларга "Сиз янги йил байрамини қандай нишонлайсиз?" деган савол билан мурожаат қилинади. Маълумки, ҳар бир халқнинг ўз анъанаси бўлганидек, ҳар бир оиланинг ҳам ўзига яраша маросимлари бўлади. Саволларга кимдир байрамни нишонлаш олдидан ўз уйларида оилавий газеталарни қандай тайёрлашини айтса, кимдир байрам арчасини ўзи ва фарзандлари томонидан ясалган ўйинчоқлар билан безатишини, уларни тайёрлашда нималардан фойдаланишини айтади, яна бировлар эса болаларга совғаларни қай йўсинда беришларини ёки байрам тадбирларида фарзандларига юклайдиган вазифалари ҳақида ўзаро фикр алмашадилар. Бу мулоқотдан эса айрим ёш ота-оналар кўп нарсаларни ўрганади.

Қисқасини айтганда, қишки таътил бир лаҳзалик. Аммо ҳар бир таълим муассасаси, мактабдан ташқари қўшимча таълим муассасалари шунга ҳаракат қилишлари керакки, олиб борилаётган ҳар қандай тадбир ўзига хос аҳамияти билан болалар қалбига кўчсин.

РТМ Маънавий-маърифий ишлар бўлими бошлиғи Ф.ХОЛМИРЗАЕВА тайёрлади

ЭЗГУ АМАЛ ДАВОМИЙДИР

"Ижодкорлик — эзгу амал. Демак ижодкор ҳаёти давомида мудом эзгулик пайида бўлади. Тақозо туфайли ижодкор бу дунёда бўлмаса ҳам унинг эзгу амаллари давом этади: ёзганларидан кимдир нимани-дир ўрганаверади".

Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ўзбек тили ва адабиёти факультети ҳамкорлигида лирик шоир Хайриддин Салоҳ таваллудининг етмиш йиллиги муносабати билан ташкиллаштирилган тадбирда марҳум ижодкорнинг ҳаёт йўли ҳақида гапирганлар ана шу мулоҳазага ҳамфикр бўлишди. Дастлаб шоирнинг дўсти, профессор Ҳамиджон Ҳомидий хотираларидан шингил айтган бўлса, Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййид ижодкор ва адабиёт хусусида тўхталди. Галма-галдан сўз олишган филология фанлари номзоди Шоира Исаева, шоирлар Ҳайдар Мухаммад, Барот Исроил, Рустам Мусурмон, Шукур Дадаш, Темур Убайдулло, Шавкат Туроб, адабиётшунос Ортиқ Абдуллаев Хайриддин Салоҳ ижоди, устоз-шогирд муносабатлари ҳақидаги фикрларини билдирдилар, шеърлар ўқидилар.

Марҳум шоирнинг оила аъзолари ҳам сўзга чиқишгач, талабалар Хайриддин Салоҳ шеърлари асосидаги мушоира билан тадбирни якунлаб беришди.

Шерали МАҲМАРАЙИМ ўғли

«МЕН МЕҲР-МУРУВВАТНИ ҚАНДАЙ ТУШУНАМАН?»

Tanlov

Маълумки, шу йилнинг октябрь ойида ўқувчи-ёшларни инсонпарварлик, ўзаро меҳр-оқибатлилик руҳида тарбиялаш, турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик, меҳр ва мурувватлилик, ҳамжиҳатлик муҳитини яратиш мақсадида Халқ таълими вазирлиги, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал демократик партияси ва "XXI аср" газетаси ҳамкорлигида "Мен меҳр-мурувватни қандай тушунаман?" мавзуида республика сиртқи рефератлар танлови эълон қилинган эди.

Яқинда Республика Ўқувчилар саройида ушбу тўрт босқичдан иборат танловнинг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган 40 нафар ўқувчи-ёшлар иштирок этдилар. Танлов тадбирлари доирасида "Мен меҳр-мурувватни қандай тушунаман?" мавзусида тренинг ва "Ўзбекистон сиёсий ўзгаришлар даврида" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Танлов ғолиблари эълон қилингач, биз 1-ўрин соҳибаси, Наманган вилояти, Уйчи туманидаги 23-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Хосият Нишонова ҳамда 2-ўринни эгаллаган Андижон вилояти, Қўрғонтепа туманидаги 20-гимназиянинг 7-синф ўқувчиси Гулираъно Қодирова билан суҳбатлашдик. Қизлар иншо, рефератларини қандай ёзганликлари, нималар ҳақида фикр юритганлари, уни тайёрлашда кимлар кўмаклашганлиги, ўзлари билим олаётган таълим даргоҳларида "Меҳр ва мурувват йили"-да қандай ишлар амалга оширилганлиги, келажакдаги орзулари ҳақида сўзлаб бердилар.

Танлов ғолибларига Фахрий ёрлиқлар ва ҳомийлар: Тошкентдаги Кувайт хайрия жамғармаси, "XXI аср" газетаси, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.

Назокат ХОЛМЕТОВА, "Ma"rifat" мухбири

ИНШОЛАР ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Миллий Университетида талабалар ўртасида "Мен келажаги буюк давлат фуқаросиман" мавзусида иншолар танлови бўлиб ўтди. Унда 100 га яқин талаба иштирок этди.

Танловда ижодий ишларнинг мазмундорлиги, услуби ва талаба саводхонлигига алоҳида эътибор берилди. Ҳакамлар ҳайъати томонидан тақдим этилган иншолардан журналистика факультети 1-курс магистранти Собиржон Ёқубовнинг ижодий иши (илмий раҳбар: Ш.Азизов) биринчи ўринга лойиқ топилди ва танловнинг Республика босқичига тавсия этилди.

"Мен келажаги буюк давлат фуқаросиман" мавзусидаги иншолар танлови мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларида ўтказилмоқда. Танловнинг Республика босқичи якунлари яқин кунларда эълон қилинади.

Д.ТОЖИАЛИЕВ

ЯКУНИЙ БОСҚИЧ ҒОЛИБЛАРИ

Бир неча йиллардан бери ЎМКҲТ муассасалари орасида ўтказилиб келинаётган "Конституция — бахтимиз пойдевори" кўрик-танлови ёшларимиз қалби ва шуурига Бош Қомусимизнинг маъно-моҳиятини сингдириш, уларнинг ҳуқуқий билимларини юксалтириш борасида муҳим вазифаларни амалга ошириб келмоқда. Куни кеча пойтахтимиздаги 2-Тошкент юридик коллежида ушбу кўрик-танловнинг 2004 йилги якуний республика босқичи ўтказилиб, ғолиблар аниқланди. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардан жами 14 та жамоа қатнашиб, кўргазмали чиқишда белгиланган режалар асосида ўзларининг энг яхши иншо, энг яхши шеър, Конституция моддалари ифодалаб берилган санъат асарлари, рефератлар, буклетлар, кўргазмали плакатлар, қолаверса, янги педагогик технологиялар асосида яратилган видеолавҳаларни намойиш этди.

Тадбир сўнгида 2-Тошкент юридик коллежи ва Самарқанд банк коллежи жамоалари Конституция сабоқларини юксак даражада ўзлаштирганликлари ва шу асосда кўплаб диққатга сазовор ижодий ишларини намойиш эта олганлиги сабабли ҳайъат аъзолари томонидан 1-ўринга лойиқ деб топилди ва уларга махсус совғалар топширилди.

Д.СОДИҚОВ

Shu kungacha markaz a'zolari 6 ta xalqaro loyihalarda ishtirok etdilar. Markazning tashlak II. sonnect. uz deb nomlanuvchi o'z sayti bor.

ТОШЛОҚЛИК ПЕДАГОГ-ЎҚУВЧИЛАР

ота-оналарга янги алифбони ўргатиш билан ислоҳотларда фаол иштирок этмоқдалар

ЖАСУРБЕК МАКТАБГА БОРАДИ

Жасурбекнинг оёқлари чақалоқлигидан ишламайди. У етти ёшда. Мактаб ёнидаги хонадонлардан бирида яшайди. Ҳар куни мактабга тўп-тўп бўлиб кириб кетаётган болаларга ҳаваси келади. Қани энди, у ҳам мактабга бориб ўқиса... Жасурбекнинг бахтига кунлардан бир кун юқори синф ўқувчиси Бобуржон исмли бола унинг ёнига келиб, гапга тутди:

— Исминг нима?

— Жасур.

— Ў-ў, ҳақиқий жасур, полвон бола экансан-ку!

Бу сўз Жасурнинг кўнглини кўтариб юборди.

— Ўқишни истайсанми? — сўради Бобуржон Жасурдан.

— Ўргатсангиз, жон деб ўқийман.

— Яхши, аввал ҳарфларни, кейин сонларни ўргатаман. Биргаликда шеърлар, эртаклар ўқиймиз. Келишдикми? — дея "беш"ни ташлади Бобуржон. Жасур нимжон қўллари билан унинг иссиқ қўлларини қисди.

Шундай қилиб, 7 ёшли Жасур билан Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги 11-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Бобуржон Жўраев ўртасида «Педагогик битим» тузилди. Шу куни Бобуржон катта масъулиятни бўйнига олганини юракдан ҳис қилди. У аввало Жасур учун дафтар, ручка харид қилди. Суратли эртак китобларни олиб келишни ҳам унутмади. Шу тариқа Бобуржон мактабда дарслари тугагач, Жасурни ўқита бошлади. Бундан Жасурнинг ота-онаси жуда хурсанд бўлдилар, севинганларидан уйда сабоқ ишлари учун етарли шароитни ҳозирладилар. Бобуржоннинг бу эзгу ишидан мактаб педагоглари ва раҳбарлари хабар топиб, педагог-ўқувчини қўллаб-қувватладилар. Орадан ярим йил ўтди. Мана, Жасурбек бугун барча ҳарфларни танийдиган, матнларни мустақил ўқий оладиган бўлди. Янги ўқув йилидан 1-синфга боради. Бунга мактаб раҳбарлари розилик билдирдилар.

— Мактабимизнинг аълочи ўқувчиларидан бўлган Бобуржоннинг қилган иши, — дейди мактаб директори Умарали Эминов, — барча ўқувчилар учун, қолаверса, биз—педагоглар учун ҳам ўрнак бўлди. Бу эзгу иш заминида давлатимиз ва Президентимизнинг ҳар бир бола эътибордан четда қолмаслиги керак, барча болалар таълим олиш ҳуқуқига эгадирлар, деган бунёдкорлик ғояси ётганини таъкидлашни истардим. Бугунги кунда мактаб ҳудудида 4 нафар ногирон бола бор. Шулардан 3 нафари уйда ўқитилади. Бири мактабга жалб қилинган. Уларга ғамхўрлик кўрсатиш, ёрдам ташкил этишда Бобуржон ташаббускор. У бу борадаги барча масъулиятни ўз зиммасига олган. Биргина муаммо қолди: у ҳам бўлса, Жасурбекка мос аравача харид қилиш.

"ИЛМ ЧАШМАСИ"НИНГ ЭЗГУ ИШЛАРИ

Тошлоқдаги Заркент қишлоғи Фарғона водийсидаги энг қадимий қишлоқлардан биридир. Унинг номи қадимги ёзма манбаларда Водил, Марғилон, Ўш, Асака, Ўзган каби кўҳна кентлар қаторида қайд этилади. Демакки, бу ерда маданият ва маърифат ҳам кўҳнадир.

11-умумтаълим мактаби айнан шу кўҳна Заркент қишлоғининг марказида жойлашган бўлиб, бу ўқув масканида заркентликларнинг 911 нафар фарзандлари таълим олмоқда. Мактаб жамоаси давлат таълим стандартлари талабларини ўқувчилар онгига сингдиришда тумандаги пешқадамлардан саналади. Мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари халқаро ташкилотлар томонидан интернет орқали эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиб, лойиҳа ғолиблари бўлмоқдалар. Мактабда таълим сифати 80 фоиздан ортиқни ташкил этади. Ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланиши 85 фоиз.

Мактабдаги ана шундай эзгу ишларнинг бири — фидойи, аълочи ўқувчиларни ўзида бирлаштирган "Илм чашмаси" деб номланган ўқувчилар клубининг ташкил этилиши бўлди. "Илм чашмаси" ўқувчилар клуби жорий йилнинг бошида ташкил этилган бўлиб, дастлаб 12 аъзони ўзига бирлаштирганди, шундан 8 нафари ўқувчилар, 2 нафари ўқитувчилар, яна 2 нафари ота-оналар. Бугунги кунда мазкур клуб 30 нафар аъзога эга.

— Клубнинг ташкил топишига, — деб таъкидлайди инглиз тили ўқитувчиси, Интернет ўқув маркази раҳбари Рустамжон Бадалов, — аслида марказимиз томонидан интернет саҳифаларида эълон қилган лойиҳаларимиз туртки бўлди. Биз яратган лойиҳалар билан Қўқондаги "Зиё" маркази ходимлари танишгач, мактабимизга ташриф буюриб, семинарлар ташкил этдилар. Бу семинар-тренингларда педагоглар, ота-оналар ҳамда мактабимизнинг энг фаол юқори синф ўқувчилари иштирок этдилар. Семинар машғулотлари давомида билдирилган фикрлар, мулоҳазалар ўқувчиларимизга туртки берди. Оқибатда уларда мактаб бошланғич синфларида таълим сифатига салбий таъсир кўрсатаётган муаммо — ота-оналарнинг янги алифбони билмасликларига барҳам бериш ғояси туғилди. Дастлаб 12 та ўқувчи шу ғоя атрофига бирлашди.

Дарҳақиқат, ташаббускор ўқувчилар — Жасур Ҳакимов (11-синф), Нурилла Қўшоқов (8-синф) клуб ташкилотчилари бўлиб майдонга чиқишди. Уларни қўллаб-қувватлаб, 9-синф ўқувчилари Мафтуна Мирзакаримова, Бобомурод Эртожиев, Бобуржон Жўраев, Элмурод Омонов клубга биринчилардан бўлиб аъзо бўлдилар.

Буюк бобокалонимиз, дунё аҳлини ҳидоят ва маърифат йўлига бошлаган Имом Бухорий ҳазратлари томонидан айтилган "Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ!" даъвати клуб шиори қилиб олинди. Клуб президентлигига фаол ўқувчи Бобуржон Жўраев бир овоздан сайланди. Клуб ташкилотчилари тез фурсатда клубнинг рамзий белгилари — тамғаси ва байроғини ҳам ташкил қилдилар. Бугунги кунда клуб аъзолари етти йўналишда фаолият олиб бормоқдалар. Экология ишлари билан Бобомурод Эртожиев, Наима Ортиқова, ногиронлар ва боқувчисини йўқотган қариялар иши билан Бобур Жўраев, Қудрат Раҳимов, кутубхоналар фаолияти билан Одина Қодирова, ота-оналар билан Нурилло Қўшоқов, Қосимжон Юсуфжонов иш олиб борадилар.

Меҳр-мурувват йўналишидаги ишларни Нодиржон Мирзақосимов бошқаради. Мактабнинг Интернет ўқув марказига ўқувчиларни жалб этиш, интернет саҳифалари орқали халқаро танловларда иштирок этиш, саҳифалар яратиш, мулоқотлар ўрнатиш ишларини компьютер илмини обдон эгаллаган Элмурод Омонов ва Нурилло Қўшоқов уддалашмоқда.

Клуб аъзоларининг ота-оналарга янги ёзувни ўргатиш, қария ва ногирон болаларга ғамхўрлик кўрсатиш, интернет саҳифаларида эълон қилинган халқаро танловларда иштирок этиш, япон маҳбуслари қабрларини излаб топиш ишлари бўйича олиб борган изланиш ва саъй-ҳаракатлари уларга катта обрў келтирмоқда.

ЗАРКЕНТЛИК ОТА-ОНАЛАР ЯНГИ АЛИФБОДА ЎҚИЙ ОЛАДИЛАР

— Ташаббус — хайрли ва эзгу иш. Эзгулик эса, яхшилик эшикларини очади. Клуб аъзолари қишлоқдаги ўндан ортиқ маҳаллаларда истиқомат қилувчи фарзандлари бошланғич синфларда ўқийдиган ёш ота-оналарга янги алифбони ўргатиш фикрини кўтардилар. Бу фикр клуб аъзоси Нурилло Қўшоқов томонидан ўртага ташланди, — деб изоҳлайди клуб котибаси, ўқитувчи Юлдузхон Мамажонова. — Клуб аъзолари уни бир овоздан қўллаб-қувватладилар. Таклифни шу куниёқ мактаб раҳбарияти ҳамда "Маҳалла таълим қўмитаси" масъулларига етказдик. Улар ҳам бу фикрга қўшилдилар. Шундай қилиб, клуб аъзолари машғулотлар режасини ишлаб чиқдилар, мактаб раҳбарияти бошланғич синф ўқитувчилари О.Ҳасанова ва М.Ғофуровани курсга ўқитувчи сифатида ажратди, маҳалла таълим қўмитаси эса, курсни ташкил этиш ишларини ўз зиммасига олди. Клуб аъзолари ташаббуси асосида ташкил этилган ота-оналарга янги ёзувни ўргатиш курси тўрт ой давом этди. Албатта, ўқишлар бепул ташкил этилди. Машғулотлар аввал мактабда, сўнгра Сандиқчи ва Тошқишлоқ каби маҳаллалардаги хонадонларда олиб борилди. Клуб аъзолари ўқиш мунтазамлигини таъминлаш мақсадида маҳалла ва хонадонларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бордилар.

— Ўтган тўрт ой давомида, — дейди мактаб бошланғич синф ўқитувчиси М.Ғофурова, — ўз ишимиздан қониқиб юракдан ишладик. Машғулотларда 120 нафардан ортиқ ота-она тингловчи бўлди. Барчаси бугун лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосида ўқий олади ва ёзма матнлар билан ишлай оладилар. Бошида бироз қийин бўлди. Сўнг улар биздан ҳам ўзиб кетдилар. Ота-оналар ичида шундай қобилиятлилари бор эканки, уларнинг зукколигидан ёқа ушлаб қолдик. Курс сўнгида тингловчилар "Алифбе байрами"ни ўтказдилар. Бу тадбир бизнинг хаёлимизга ҳам келмаганди, энг қувонарлиси — ота-оналар таълим жараёнида биз билан тенгма-тенг иштирок этадиган бўлдилар.

Шуни мамнунлик билан таъкидлаш керакки, "Илм чашмаси" клуби аъзолари ташаббуси билан бошланган эзгу иш туфайли янги ёзувни ўрганган ёш ота-оналар бугун ўз фарзандлари билан бирга дарс тайёрлаяптилар. Ўзлари хоҳлаб мактабдаги синф дарсларида бемалол иштирок этяптилар, фарзандлари билимини синаб кўриш имкониятига эга бўлдилар. Масаланинг яна бир диққатга сазовор жиҳати шундаки, ота-оналарни ўқитиш туфайли мактаб ўқитувчиларининг обрўси қишлоқда янада ортди. Чунки ўқитувчилар ота-оналарнинг ҳам устозларига айландилар-да.

ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ ХАЛҚАРО ТАНЛОВЛАР САРИ

Мактабнинг Интернет ўқув маркази 2003 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Дастлаб мактабда "Интернет дўстлик клуби" ташкил этилди. Бу клуб компьютерга қизиқувчи 10 нафар ўқувчиларни ўзига бириктирди. Клуб аъзолари амалий машғулотларни мактабда компьютер синфи йўқлиги туфайли Фарғона шаҳридаги интернет марказида амалга оширдилар. Клуб аъзолари 2003 йил августда халқаро танловда ғолиб бўлиб, Pentium—4 маркали 10 та компьютер жамламасини қўлга киритдилар.

Интернет ўқув марказига бугунги кунда 720 нафар ўқувчи мунтазам қатнайди. Марказда малакали мутахассис Жаҳонгир Бадалов компьютерларда ишлаш илмини ўқувчиларга бепул ўргатмоқда.

Шу кунгача марказ аъзолари 6 та халқаро лойиҳаларда иштирок этдилар. Марказнинг tashlak II. connect. uz деб номланувчи ўз сайти бор. Марказ аъзолари бўлган ўқувчилар Япония элчихонаси томонидан эълон қилинган "Ҳеч ким ҳеч қачон унутилмайди" деб номланган халқаро лойиҳа асосида иш олиб боряптилар. Шу лойиҳа бўйича ўқувчилар томонидан Андижон вилоятининг Чувама қишлоғи, Оламушук посёлкаси, Қўқон, Ангрен, Чирчиқ шаҳарларидаги, Бўстонликдаги Товоқсой қишлоғи, Бухоро вилоятининг Коғон тумани, Тошкентнинг Яккасарой туманидаги қабристонларга дафн этилган япон аскарларининг қабрлари ўрганилди, тадқиқотлар олиб борилди. Бугунгача марказ аъзолари ҳалок бўлган аскарларнинг юқорида қайд этилган қабристонларда 700 дан ортиқ қабрлари борлигини, марҳумларнинг исми-шарифларини аниқладилар ва бу рўйхат ҳамда олинган суратларни Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонасига топширдилар.

— Лойиҳа уч босқичли, — дейди марказ аъзоси Нурилло Қўшоқов, — биринчи ва иккинчи босқичларда фаол иштирок этдик ва тўпланган маълумотларни Япония элчихонасига топширдик. 3-босқич 2005 йилнинг май ойида якунланади. Ғолиблик насиб қилса, 80 минг АҚШ долларига эга бўламиз.

Марказ аъзолари "IAPN" халқаро ташкилоти билан алоқа ўрнатганлар. Шунингдек, Африка қитъаси мамлакатлари, Ҳиндистон, Эрон каби давлатлар билан ҳам интернет тармоғи орқали алоқани тиклаганлар. Масалан, эронлик олимлар интернетда "Бутун дунё мақоллари" деган лойиҳа эълон қилган эдилар.

Марказ аъзолари лойиҳага ўзлари тўплаган ўзбек халқ мақол ва маталларидан тақдим қилдилар. Исроиллик машҳур педагог Ордон Дан билан ҳам алоқа ўрнатилди. Унга Тошлоқ тумани экологияси бўйича маълумотларни таклиф қилишмоқчи. Маълумки, Тошлоқ тумани вилоятда энг экологияси бузилган ҳудуд ҳисобланади. Жаҳон банкининг 60 йиллиги олдидан "Жаҳон банки дунёга нима учун керак?" мавзусида иншолар танлови эълон қилинганди. Марказ аъзоси Гули Бадалова (Қува туманидаги 1-мактаб-интернат ўқувчиси) шу мавзудаги ўзи ёзган иншони тақдим этди. Иншо танлов ҳайъати томонидан юқори баҳоланиб, танловда 1-ўринга муносиб топилди. Жаҳон банкининг Тошкентдаги ваколатхонасида 9—10 ноябрь кунлари танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Маросимга Гули Бадалова ҳам таклиф қилинди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, биргина оддий қишлоқ мактабининг ўзида шундай ўрганса ва ибрат олса арзийдиган ишларнинг амалга оширилаётгани кишини ҳайратга солади. Буларнинг барчаси мустақилликнинг юртимизга, Ватанимиз, унинг бахтиёр авлодларига берган энг улуғ неъматлари эмасми?! Ҳа, ёруғ келажак сари қутлуғ қадамлар ташланди. Қадами қутлуғ, эртаси буюк ёш авлоднинг фаровон ҳаётни барпо қилишларига чин дилдан ишонамиз. Зеро, истеъдодли ёшларимиз танлаган йўл бунинг исботидир.

Баҳодиржон ШОКИРОВ,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири

Меҳр-оқибат туйғуси ҳар бир кишига сув ва ҳаводек зарур. Айнан ана шу туйғулар боис эзгулик мангу яшайди. Тугаб бораётган 2004 йилнинг ҳам «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилинганлиги замирида ҳам ана шу оддий ҳақиқат ётгани шубҳасиз. Эзгу амаллар, савобли ишлар, қанчадан-қанча кишиларга шодлигу меҳр улашган ана шу йил ҳам мана бугун ўз ниҳоясига етмоқда.

«Меҳр ва мурувват йили»да Халқ таълими вазирлиги ҳамда «Сен ёлғиз эмассан» республика Болалар жамоатчилик жамғармаси ўртасида «Энг яхши Меҳрибонлик уйи» ҳамда «Энг яхши Меҳрибонлик уйи тарбиячиси» кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида қўшма буйруқ имзоланган эди. «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»ни амалга ошириш, кадрлар салоҳиятини кўтариш, уларга бўлган талабчанликни ошириш, Меҳрибонлик уйлари ходимлари ишини рағбатлантириш ва илғор иш тажрибаларини оммалаштириш ҳамда кенг тарғиб этиш ушбу кўрик-танловнинг бош мақсади ҳисобланади.

Куни кеча Ўзбек Миллий академик драма театри биносида юртимизда илк бор ўтказилаётган «2004 йил— Меҳр ва мурувват йили»да «Энг яхши Меҳрибонлик уйи» ҳамда ушбу муассаса тарбиячиларининг касбий маҳоратларини, ижодий истеъдодларини баҳоловчи «Юрагимни болаларга бағишлайман» шиори остидаги кўрик-танловнинг республика босқичи бўлиб ўтди.

МЕҲР ТАНТАНА ҚИЛГАН КУН

Reportaj

Алвон гуллар шаклидаги кўзни олувчи шарлар билан безалган санъат кошонаси ҳовлиси эрталабдан республикамизнинг барча вилоятларидан келган Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг қийчувига тўлиб кетди. Барча ичкарига кириб жойлашгач, сахна пардаси очилиб, бошловчилар чиқиб келишди. Меҳр ва мурувватга, саховатга бағишланган шеърлар ўқилди. Сўнгра «Ором» дастаси ижросидаги дилрабо қўшиқ томошабинларни жонлантириб юборди.

Шундан сўнг саҳнага Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Қосимов, Халқ таълими вазири Т.Жўраев, «Сен ёлғиз эмассан» республика Болалар жамоатчилик жамғармасининг Васийлик кенгаши раиси Л.Каримовалар таклиф қилинди.

«Сен ёлғиз эмассан» республика Болалар жамоатчилик жамғармаси Васийлик кенгаши раиси Л.Каримова кўрик-танловнинг асосий мақсади, вазифалари, шартлари билан яна бир бор йиғилганларни таништирди. Кўнгли кемтик, меҳрга илҳақ болажонларни тарбиялаётган мана шу машаққатли ва шарафли касб эгалари— Меҳрибонлик уйларида меҳнат қилаётган фидойи тарбиячилар, мураббийларни рағбатлантириш, уларнинг фаолиятларини қадрлаш муҳим вазифа эканлигини таъкидлади.

Кўрик-танловнинг биринчи босқичида ўз ҳудудларида «Энг яхши Меҳрибонлик уйи» номига сазовор бўлган 15 та Меҳрибонлик уйи "беллашди". Ҳар бир муассаса фаолиятини кўрсатиб берувчи видеороликлар намойиши остида мазкур Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ўз уйлари ҳақида ҳикоя қилиш билан йиғилганларнинг шу маскан ҳақидаги тасаввурларини бойитди.

Ҳар бир вилоятдан келган Меҳрибонлик уйи вакилларининг чиқишлари ўзига хос, ранг-баранглиги билан ажралиб турди. Биринчи бўлиб сахнага чиққан Хлебушкина номидаги 22-Меҳрибонлик уйи вакилларининг ўз масканлари ҳақидаги ҳикояси республикамизда бўлиб ўтадиган сайлов жараёнлари, парламент, сенат, бола ҳуқуқлари тўғрисидаги саҳна кўринишларига уйғунлашиб кетди. Тошкент шаҳридан ғолибликка эришган Юнусобод туманидаги 31-Меҳрибонлик уйининг саҳна декорацияси, хусусан, эртаклардаги қасрлардек тасвирланган Меҳрибонлик уйи фонида ўйнаётган болалар билан биргаликда рақсга тушаётган мудиранинг қувноқлиги барчанинг эътиборини тортди. Хобинларни севинтирди. Қўқон шаҳридаги 17-Меҳрибонлик уйи эса, шу йилнинг ўзида 150 млн. сўмлик маблағ сарфланиб, капитал таъмирдан чиқарилганлиги видеороликда ҳам ўз аксини кўрсатди. Андижон вилоятидаги 2-сонли Меҳрибонлик уйи энг қадимий масканлардан бири. Жамоанинг 70 йиллик ортиқ тарихи давомида етишиб чиққан фарзандлари билан фахрланиши табиийдир. Жиззах вилоятидаги 29-Меҳрибонлик уйида 8 та миллат вакиллари тарбияланадилар. Ўқувчилар дўст-биноқ яшашларини ўзларининг саҳна кўринишларида ҳам намойиш қилдилар.

«Сен ёлғиз эмассан» республика Болалар жамоатчилик жамғармасининг хореографик ўқув дастаси ҳамда «Зарафшон» эстрада гуруҳининг куй-қўшиқларидан иборат мусиқий танаффусдан сўнг кўрик-танловнинг 2-босқичи давом этди.

Бунда Қорақалпоғистон Республикаси ва юртимизнинг барча ҳудудларида «Энг яхши Меҳрибонлик уйи тарбиячиси» номига сазовор бўлган 14 нафар тарбиячи мураббийлар ўзларининг фаолиятлари, ўтказаётган ҳар бир машғулотлари, болаларга бўлган муносабатларини, бир сўз билан айтганда, касбий маҳоратларини саҳнада намоён қилдилар. Фарғона вилояти,Марғилон шаҳридаги 1-сонли Меҳрибонлик уйи мураббийи К.Ёқубовнинг чиройли саҳна кўриниши, Андижон шаҳридаги 2-сонли Меҳрибонлик уйи тарбиячиси С.Каримованинг Меҳр ва мурувват ҳақидаги машғулоти намойиши, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳридаги 14-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси И. Абсаломовнинг ижодкорлиги, истеъдодининг серқирралиги бошқа ҳамкасбларидан ажралиб турди.

Айниқса, Бухоро шаҳридаги 32-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Замира Муҳамедованинг бола руҳиятини очиб берувчи машғулоти барчани тўлқинлантирди. Унда Умиджон исмли болага мактабда ўртоғининг «Сени онанг ташлаб кетган» деб айтгани ёмон таъсир қилади. Роль ижро этаётган бола бу гапнинг тўғри эканлигини айтиб, саҳнада ҳақиқатдан ҳам йиғлаб юборди. Томошабинларнинг кўпчилиги кўзида халқаланган ёшни яширолмади.

Юртимизнинг ёш умидли хонандалари ижросидаги мусиқий лаҳзалардан сўнг ҳакамлар ҳайъати томонидан кўрик-танлов натижалари эълон қилинди. Унга кўра, «Энг яхши Меҳрибонлик уйи» номинацияси бўйича республика ғолиби деб Қўқон шаҳридаги 17-Меҳрибонлик уйи топилди. Ғолиб жамоага I даражали диплом ва компьютер синфи совға сифатида Бош вазир ўринбосари Р. Қосимов томонидан топширилди.

2-ўринни эгаллашга муваффақ бўлган Тошкент шаҳридаги Хлебушкина номидаги 22-Меҳрибонлик уйи жамоасига II даражали диплом ва компьютер мажмуини Халқ таълими вазири Т.Жўраев топширди.

Хоразм вилояти Хива туманидаги 20-Меҳрибонлик уйи жамоаси эса 3-ўринни қўлга киритди. «Сен ёлғиз эмассан» республика болалар жамоатчилик жамғармаси Васийлик кенгаши раиси Л.Каримова топширган III даражали диплом ҳамда рангли телевизор ва видеомагнитофонни Ўзбекистон Қаҳрамони, шу маскан директори Вера Пак қабул қилиб олди.

Қолган 12 та Меҳрибонлик уйи жамоалари ҳам турли номинацияларда бўйича тақдирландилар.

Шундан сўнг «Энг яхши Меҳрибонлик уйи тарбиячиси» номинацияси ғолиблари эълон қилинди. Биринчи ўринни эгаллаган Навоий шаҳридаги Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Ҳилола Остонова I даражали диплом ва 300 минг сўм пул топширилди. Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги 1-сонли Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Ширин Ғойипова эса 2-ўрин соҳиби сифатида II даражали диплом ва 200 минг сўм пулни қўлга киритди. 3-ўринни эгаллаган Тошкент шаҳридаги 30-Меҳрибонлик уйи мураббийи Феруза Усмонхўжаевага III даражали диплом ҳамда 100 минг сўм пул мукофоти тақдим қилинди.

Кўрик-танловда иштирок этиб, ўз маҳоратини намоён эттан 11 нафар тарбиячилар ҳам турли номинациялар бўйича қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Танлов сўнгида Халқ таълими вазири Т. Жўраев сўз олиб, бугунги тадбир ғолиблари ва барча иштирокчиларни муваффақиятлари билан қутлади. Мана шундай тадбирларни ўтказишда вазирликка яқиндан кўмак бераётган «Сен ёлғиз эмассан» республика болалар жамоатчилик жамғармасига миннатдорчилик билдирди.

— Бугунги танловда ғолиб чиқишимни умуман кутмаган эдим. Менинг тажрибам камроқмикан, деган ҳадиқда бу ерга келгандим. Бу муваффақиятга эришишимда яқиндан кўмак берган ўз ҳамкасбларимга миннатдорчилик билдираман. Шу билан бирга чирчиқлик ҳамкасбим Искандар Абсаломов ва бухоролик мураббий Замирахонлардан анча-мунча сабоқ олганимни айтиб ўтмоқчиман,— деди «Энг яхши Меҳрибонлик уйи тарбиячиси» Ҳилола Остонова мамнуният билан.

Бу ерга кўрик-танловда қатнашиш учун келган болажонлар ҳам бир-бирлари билан дўст тутиндилар, бир-бирларига меҳр қўйдилар. Зеро, дўстлик ҳам аввало меҳрдан пайдо бўлиши, рост гап. Ўзлари учун янгилик бўлган кўп нарсаларни ўзлаштирган болажонлар ҳамжиҳатликда жамоалари, устозлари шарафи учун ижобий натижа беллашдилар. Бу ҳам тадбирнинг асосий ютуқларидан бири бўлди. Бир сўз билан айтганда, ушбу тадбир барча қатнашчилар хотирасида Меҳр тантана қилган кун сифатида мухрланиб қолди.

Назокат ХОЛМЕТОВА,
«Ma’rifat» мухбири

Суратларда: Кўрик-танлов жараёнидан лавҳалар.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

УСТОЗЛАР, МУРАББИЙЛАР ВА БАРЧА ЗИЁЛИЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ МАҚОМИ ОШИШИ УЧУН ФАОЛ ҲАРАКАТ ҚИЛАМИЗ!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатдаги сиёсий кучларнинг сўл қанотидир. Партия меҳнат аҳли – ишчилар, қишлоқ меҳнаткашлари, муҳандис-техник, илмий ва ижодий ходимлар, ўқитувчи ва шифокорлар, хизматчилар, шунингдек, ҳарбий хизматчилар, ўқувчи-ёшлар, пенсионер ва ногиронлар манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя этади.

***

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мазкур Сайловолди Платформасида **мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг ижтимоий самарасини ошириш йўлларига оид** ўз қарашларини жамиятга таклиф этмоқда ва долзарб муаммоларни ҳал этишни меъёрий-ҳуқуқий тартибга солишнинг самарадорлигини оширишни таклиф этади:

АҲОЛИНИНГ РАЦИОНАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛИК БАНДЛИГИНИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ

Партия **Ўзбекистондаги мавжуд меҳнат ресурслари,** агар улар иқтисодиётнинг реал секторидаги ишлаб чиқариш тармоқларига тўлиқ ва самарали жалб этилса, **ҳозирги босқичда зарур бўлган мамлакат иқтисодиёти ўсиши кўрсаткичларига амалда эришиш учун асосий кафолат ва бевосита ишлаб чиқариш кучидир,** деб ҳисоблайди.

ҳар бир ишловчига унинг оиласини таъминлаш учун етарли меҳнат даромадини кафолатлайдиган, меҳнатга қобилиятли аҳолининг рационал бандлигига эришиш халқимиз турмуш даражасини оширишнинг бош йўналиши бўлмоғи лозим.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси таклиф этади:

— **Меҳнатга қобилиятли аҳоли бандлигини таъминлаш миллий ҳамда тегишли минтақавий дастурларини** ишлаб чиқиш ва қабул қилиш. Уларда Қорақалпоғистон Республикаси ва экологик фожиадан зарар кўрган Оролбўйининг бошқа туманларини давлат томонидан қўшимча қўллаб-қувватлашни кўзда тутиш;

— мамлакатнинг ҳар бир минтақасида ўзимизда ишлаб чиқарилган хомашёни тайёр маҳсулот ҳолида ишлаб чиқарадиган корхоналарни, улардаги иш ўринлар сонига қараб етарли миқдорда ташкил қилишга қаратилган инвестиция лойиҳаларини устувор молиялаштириш ва кредитлашни таъминлаш мақсадида **инвестиция фаолиятини меъёрий-ҳуқуқий тартибга солишга тегишли тузатишлар киритиш**;

— ишлаб чиқариш объектларининг хусусийлаштирилиши ва янги мулкдорлар томонидан ўз зиммаларига олган инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши устидан **самарали парламент назоратини ўрнатиш**, корхона мулкдори алмашганда иш ўринларининг кескин қисқартирилиши ва ходимларни ижтимоий ҳимоялаш даражасининг пасайишидан ҳимоя қиладиган қонуний механизмларни яратиш;

— қуйидагиларнинг тўлиқ иш билан бандлигини қонунчилик даражасида, ишончли тарзда кафолатлашни таъминлаш:

умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчилари;

Қуролли Кучлардан бўшаган ҳарбий хизматчилар;

чекланган иш қобилиятига эга ногиронлар;

кўп болали оилалардаги аёллар;

меҳнат бозорида тенг шароитларда рақаботлаша олмайдиган шахслар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа шахслар;

— ташқи меҳнат миграциясини меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг самарасини ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни кўриш:

Ўзбекистоннинг меҳнат бозори мамлакатимиз аҳолисини анъанавий равишда ўзига тортадиган давлатлар билан меҳнат миграцияси ва меҳнаткаш-мигрантларнинг ижтимоий ҳимояси соҳасида ҳамкорлик қилиш борасида икки томонлама шартнома, битим ва бошқа давлатлараро ҳужжатларни тузиш ташаббуси билан чиқиш;

Ўзбекистон фуқароларининг бошқа мамлакатларга ишлаш учун боришларини тартибга солувчи таъсирчан механизмларни яратиш ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тегишли бўлинмалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш.

БЮДЖЕТ ВА МОЛИЯ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ўзбекистон ХДП ўз депутатлик тузилмалари орқали, давлат ҳокимияти қонунчилик вакиллик тармоғининг навбатдаги чақириғида **бюджет ва молия сиёсатининг самарадорлигини ошириш ва ижтимоий йўналтирилганлигини кучайтиришга эришмоқчи.** Шунга мувофиқ, у қуйидагиларнинг амалга оширилиши учун ҳаракат қилади:

– Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида умумтаълим мактаблари биноларини сақлаш ва ўқув-моддий базасининг бюджетдан молиялаштириш миқдорларини, улардан тўлиқ фойдаланиш, сақлаш ва таъмирлаш даражасига етказиш;

— аҳолининг, ҳажми давлат томонидан кафолатланган, сифатли бепул тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши;

— бюджетдан молиялаштириладиган халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида, юқори малакали педагог ва тиббиёт ходимларининг меҳнатига ҳақ тўланишини ушбу касбларнинг анъанавий нуфузига мос даражагача етказиш.

Партия ушбу вазифаларни бажариш учун Ўзбекистон Республикасининг қатор қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартишларни ишлаб чиқиш ва киритишни таклиф этмоқда.

ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИГИ САРИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан ўтказилаётган маъмурий ислоҳотларни қўллаб-қувватлайди. Айни пайтда, партия давлат аппаратини ислоҳ қилиш масалалари **демократик ўзгаришлар, фуқаролик жамияти институтларининг фаол ривожланиши ва аҳолида фуқаролик маданиятининг шаклланиши, давлат ҳокимиятининг ижроия тармоғи фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш билан бирга** ҳал этилиши лозим, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон ХДП ушбу мақсадда қуйидагиларни амалга оширишни таклиф этади:

— давлат бошқаруви аппаратининг мақоми, давлат хизматчиларининг вазифа, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг касб малакасини ошириш ва лавозимларининг ўсиши тартиби, уларнинг меҳнатларига муносиб ҳақ тўлашни таъминлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш чораларини амалга ошириш;

— давлат ва хўжалик бошқаруви ходимлари орасида кузатиладиган мансабдорларнинг ўзбошимчалиги, сансалорлик ва коррупция каби иллатларга қарши курашнинг меъёрий-ҳуқуқий тартибга солишнинг самарадорлигини ошириш;

— шунингдек, қуйидаги чора-тадбирларни кўриш:

мамлакатни модернизация қилиш жараёнларида шаклланаётган фуқаролик жамияти институтлари (касаба уюшмалари, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятлари, пенсионерлар, фахрийлар, ёшлар, хотин-қизлар жамоат бирлашмалари ва нодавлат, нотижорат ташкилотлар)нинг роли ва аҳамиятини янада ошириш;

кишиларда фаол фуқаролик позицияси, ўз конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини идрок этиш, улардан онгли равишда фойдаланиш ва суд ҳокимияти механизмлари орқали уларни ҳимоя қилиш кўникмаларини ҳар бир кишида шакллантиришга қаратилган фуқаролик таълим-тарбиянинг давлат ва жамоат тизимларини изчил ривожлантириш.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ҳамда давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларидаги ўз депутатлик тузилмалари орқали вакиллик демократияси ва фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш масалаларида тегишли сиёсатни юритишда **ўзининг ижтимоий ҳамкорлари** – Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, Ногиронлар жамияти, "Нуроний" жамғармаси, хотин-қизлар ва ёшларнинг жамоат бирлашмалари ҳамда ижтимоий йўналишдаги бошқа жамоат ташкилотларининг **манфаатларини барча чоралар билан ҳимоя қилиш** ва улар билан шериклик муносабатларини бундан буён ҳам ривожлантириш ниятидадир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси бош шиори:

ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ЭРИШИШ – ВАТАНИМИЗ ГУЛЛАБ-ЯШНАШИ ГАРОВИДИР!

ИНСОН ФАРОВОНЛИГИ – ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИНГ БОШ МЕЗОНИ

26 DEKABR

ҲУРМАТЛИ УСТОЗ ВА МУРАББИЙЛАР!

Азиз ака-укалар ва опа-сингиллар!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси зиёлилар манфаатларини изчил ҳимоя этади! У кўрсатган номзодлар – Сизнинг номзодларингиз.

26 декабрь куни уларга овоз беринг!

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН ВА БАРЧА ФОЙДАЛАНИШИ МУМКИН БЎЛГАН СИФАТЛИ БЕПУЛ ТАЪЛИМ ВА ТИББИЙ ХИЗМАТ ТАРАФДОРИДИР!

ҚАДРЛИ САЙЛОВЧИЛАР!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларига сайловлар муносабати билан қабул қилган Сайловолди Платформасининг устувор йўналишлари шулардан иборат. Партиямиз эришса бўладиган, реал мақсадларни Сизга таклиф этмоқда. Бунинг учун Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиши даврида олиб борилган ислоҳотлар натижасида етарли замин ва барча зарур шарт-шароитлар яратилган.



HAYOT BO‘RONLARIDA O‘ZLIGINI YO‘QOTMAGAN SHOIR

Eshref Ibraim qrim-tatar bolalar adabiyotida o‘ziga xos o‘rin egallagan shoirlardan biridir. U bor-yo‘g‘i 46 yil umr ko‘rdi va to‘rttagina kitobini nashr ettirib ulgurdi. Albatta, agar taqdir unga muruvvatli bo‘lganida, juda katta ishlar qilishi ham mumkin edi, ammo, na chora, umr chegarali, hayot ba’zan inson shaxsini cheklab tashlagan paytlar ham bo‘ladi.

Eshref Ibraim 1928-yilda Qrim Avtonom Respublikasining Oq-мachit tumanidagi Sadirbag‘ay qishlog‘ida dunyoga kelgan edi. Otasi Ibraim og‘a ham eskicha, ham yangicha savodga ega bo‘lgan o‘qituvchi-muallimlardan bo‘lib, Qur’oni Karimni yod bilar, Qori unvoniga ham sazovor bo‘lgan muhtaram bir zot edi. U qrim-tatar klassik shoirlari Shomil To‘xtarg‘oziy, Asan Chergeev, Jamil Kenjenin, Memet Nuzzet, Umar Ipchi, Eyup Dermenji kabilarning ijodini yod bilgani kabi, Pushkin, Lermontov, Tolstoy kabi rus shoir va yozuvchilarining ijodidan ham yaxshi xabardor, hatto, zamondoshlarining xabar berishicha, Pushkinning “Bog‘chasaroy chashmasi” (“Bog‘chasaroy fontani”) dostonini ham yod bilarkan.

Eshref Sadirbag‘ay qishlog‘idagi maktabda o‘qigan va yoshligidayoq xalq og‘zaki ijodini qattiq sevgan, ertaklar, afsonalar, naql va dostonlarni katta ishtiyoq bilan o‘rgangan. Undan tashqari, otasi ziyoli kishi bo‘lgani uchun, uylarida ko‘p adabiy suhbatlar bo‘lib turardi va yosh Eshref bulardan ko‘p ta’sirlangan. Va maktabda o‘qib yurgan kezlaridayoq she’rlar yoza boshlagan. Otasi, Eshrefdagi bu qobiliyatni ko‘rib, uning adabiy ma’lumotini kengaytirishga jiddiy ahamiyat bergan. Ham ona tilida, ham rus tilida ko‘p kitob o‘qitgan, jahon adabiyoti bilan tanishtira borgan. O‘shanda Eshref, otasiga o‘xshab, “Bog‘chasaroy chashmasi”ni yodlab olgandi. U 13 yoshida Nizomiy, Hofiz, Rumiy, Navoiy asarlarini ham qiroat qila boshlagan, Ezop, Lafonten, Krilov masallarini, Nekrasov she’rlarini, Tolstoyning kichik hikoyalarini ham o‘qib ulgurgan edi.

Ammo Ikkinchi jahon urushi uning boshiga og‘ir savdolarni soldi.

1941-yilda nemis fashistlari Qrimga bostirib kirdilar.

Nemislar minglab maktab bolalari qatori, 13 yoshli Eshrefni ham asirlikka olib, qora vagonlarda Norvegiyaga jo‘natib yubordilar. Eshrefning dahshatli qora kunlari boshlandi...

Fashistlar bundan oldin, 1940-yilda Norvegiyani bosib olgandilar.

Oslo chekkasidagi ko‘kalamzor bir tumanda norveg yer egalari, chorvador boylar turisharkan, nemis fermerlari ham o‘sha yerlarga kelib, joy olishib norveglar bilan birga yashayotgan ekanlar. Fashistlar qrimlik asir bolalarni shu boylarga taqsimlab berishgan. Eshref bir norveg mulk egasining qo‘liga tushadi. Norveglar rus va qrim-tatar tilini bilishmas, Eshref ham ularning tilini bilmas, o‘rtada imo-ishora tili hukmron edi. Xullas, Eshrefga podachilik ishi topshiriladi.

Norvegiya Skandinaviyaning eng shimolidagi yarmi tog‘lik mamlakat bo‘lib, tog‘ yonbag‘irlarida tekis cho‘llari, qir-adirlari ko‘p ekan.

Eshref mollarni o‘sha yoqlarga haydab ketar, vazifasi ularni boqish edi. Tabiiyki, har bosh mol uchun javobgar edi. Maktab yo‘q, o‘qish-o‘rganish yo‘q, o‘zi bilgan olamdan butunlay uzilgan holda dala-dashtlar yo tog‘larda umri yolg‘izlikda o‘tardi.

Bir kuni u podasini Osloga qarab haydab kelarkan, yo‘lda birdan qumli bo‘ron boshlanib qoladi. Shundayki, ko‘zni ochirmas — ko‘z ochmasa yo‘lni ko‘rib bo‘lmas, ko‘z ochsa tuproq aralash qum zarralari ko‘zga urilar edi. Borgan sari qumda yurish og‘irlashadi. Oxiri holdan toyib yiqiladi va qumga ko‘milib qoladi. Keyin-ku, uni qutqarishdi, ammo shu-shu ko‘zlari ojizlashib doim yoshlanadigan odat chiqardi.

17 yoshiga qadar umri shunday qullikda kechdi.

1944 yilda Norvegiya ozod qilingach, asir bolalar birin-ketin ona yurtga qocha boshladilar. Eshref ham qochib, Qrimgacha yetib bordi. Ammo, bu yerda uni yangi motam kutib yotgan edi.

Qizil istibdod Qrim-tatar xalqini 1944 yil 19 mayda O‘rta Osiyoga surgun qilgan ekan.

Eshref oila a’zolarini Andijon viloyatining Oyim qishlog‘idan topdi. Ular “Sovoy” sovxozida joylashgan ekanlar. Onasi vafot etgan ekan. Ko‘p o‘tmay otasi ham olamdan o‘tdi. Yetim qolgan 17 yoshli yigitcha opa-ukalari bilan tirikchilik ishlariga sho‘ng‘idi. Sovxoz MTSning bir tsexida elektr-payvandlovchi bo‘lib ishlay boshladi, keyin savodining yaxshiligiga qarab uni sovxoz tabelchisi vazifasiga o‘tkazishdi. Ishi og‘ir bo‘lishiga qaramay, oz vaqt topsa, darhol, badiiy adabiyot o‘qimoqqa tutinar, kichik-kichik she’rlar, manzumalar yozib, mashq qilib yurardi. Olloh bergan iqtidor, otasi bergan ta’lim va ming-minglab badiiy asarlarni o‘qishi samara bermay qolmadi. Uning she’rlari oila a’zolariga ham, do‘stlariga ham yoqar, ularning kayfiyatini chog‘ qilardi. Bundan ilhomlangan Eshref ularni viloyat gazetasiga yo‘llab ko‘rgan edi, darrov bosilib chiqdi. U o‘zbek tilini ham juda yaxshi o‘zlashtirib olgan, sof o‘zbek tilida gaplasha olar, sharoit taqozosiga qarab o‘zbekchasiga ham she’r yozaverardi.

1949 yilda Kimyo Tolipova degan o‘qituvchi qizga uylandi.

1952 yil yana Eshrefga og‘ir keldi. Norvegiyadagi qumbo‘rondan buyon tuzalmagan ko‘zlari endi ko‘rishga qiynala boshladi. Ko‘z jarrohiga uchrashdi. Ammo, jarrohlik amaliyoti yaxshi natija bermadi. Butunlay ko‘r bo‘lib qoldi. 24 yashar navqiron yigit, bir bolali yosh otaning ko‘zdan ayrilishini tasavvur qiling. Bunday holda uncha-muncha odamning irodasi sinib, ruhi cho‘kib qoladi. Ammo, Eshref undaylar toifasidan emasdi. U tabiatan xushchaqchaq, xushtabiat, davrabop, ulfati yigit edi. Shundayligicha qoldi. Xotinini qattiq sevardi, ular besh qiz, bir o‘g‘il ko‘rdilar. Beshala qizi ham oliy ma’lumotli bo‘ldi. Qizi Venera Ibrohimova otasi kabi yaxshi shoira bo‘ldi. O‘g‘li Politexnikumni bitkazib, chiroyli hunarli bo‘ldi.

Eshref Ibraim she’rlarini qizlariga aytib turar, ular yozib olib dastalashardi. Bu orada ko‘pmillatli O‘zbekistonda qrim-tatar tilida gazeta chiqa boshladi. G‘afur G‘ulom nomidagi Adabiyot va san’at nashriyotida qrim-tatar adabiyoti muharririyati tashkil etildi. Eshref Ibraimning she’rlari, masal va dostonlari shu gazetada, shu nashriyotda dunyo yuzini ko‘rardi.

Eshref Ibraimning serfarzand otaligi va maktab hayotini yaxshi bilishi uning ajoyib bolalar shoiri bo‘lishiga zamin yaratdi.

Miraziz A’ZAM

SIZNING ESHREF TOG‘ANGIZ...

Eshref tog‘a maktabda
Umrin etdi hikoya.
To‘planganlar tingladi,
Achinib benihoya.
— Bolalarim, — dedi u, —
Nelar ko‘rmadi boshim.
Bundan ko‘p yillar burun,
Yomg‘ir edi ko‘zyoshim.
Boy podasin boshqarib,
Itdan battar xor edim.
Kiyganim eski choriq,
Bayram bormi, der edim.

Boylar shundaydir qadim —
Ishlatar zo‘rlik bilan.
Issiq sho‘rva ko‘rmadim,
Olishdim xo‘rlik bilan.

Chek qo‘ydim-u sabrga,
Oxir qochdim bu yoqqa.
Yetib keldim bu yerga,
Qullik qoldi u yoqda.

Bolalar, siz yashaysiz,
Onangiz quchog‘ida.
Sizlar erkin qushlarsiz,
Ozod Vatan bog‘ida.

O‘qinglar shukur qilib,
Murod-maqsadga yeting.
El-yurtni aziz bilib,
Gardin ko‘zlarga surting.

O‘QITUVChIMGA

Duch kelsam, sevinchim jo‘sh urar tanda,
Tashakkur aytolmay kaldirar tilim.
Sening ko‘p hissang bor
bugungi fanda —
Chunki, ayt, ustozsiz kim bo‘lgan olim?

Ayt, qardosh, kim so‘qir, desalar menga,
Der edim: butunlay johil bir inson.
Ayt, baxtni kim to‘qir, desalar menga,
Ustoz, avval seni aytardim, inon.
Qo‘limga “Alifbe” tutqazib onam,
Meni ilk maktabga keltirgan kunda
Qalbimda sen har vaqt bo‘lding-ku onam,
Onamday mamnunman,
mamnunman sendan.

Bilasan, taqdir — bu: ayrildim ko‘zdan,
Sen bergan bilimdan quvnar yuragim.
Yetmish yil yashabsan, yana osh yuzdan,
Sharafli ishing-chun shudir tilagim.

O‘YMAKOR

Meva berar daraxtni,
Hech kim kesib quritmas.
Agar sevsang san’atni,
Xalq seni hech unutmas.

— Ey, yosh do‘stim, ayt-chi qani,
Nelar qilding o‘tgan yilda?
Netding hunar o‘rgangani?
Biron hunar bormi qo‘lda? —

Bu savoldan zavq-la kuldi,
Toyday sakrab turdi Anvar.
Va bir sandiq olib keldi:
— Mana, — dedi, — kichik hunar!

O‘ymakor bo‘p naqshli etdim
Sandiqlarni maktabda.
Otam kutgan yo‘ldan ketdim,
Mening baxtim san’atda.

HASANCHA VA QALDIRG‘OCH

— Sevdim seni, qaldirg‘och,
Butun qushlardan o‘tgach.
Do‘stlashaylik ikkimiz,
Ne siring bor, menga och!

“Siringni och” deganim —
Qanday uchding, ko‘ray man...
Qanday uchmoqlik kerak?
Ayt, qaldirg‘och, so‘rayman.

Jivirladi qaldirg‘och:
— Hey sen, eshit, qorasoch!
Senga, do‘stim, uchmoqqa
Qanot kerak bir quloch!
— Men maktabga boraman,
O‘qib, bilim olaman.
Bilim menga — qanotdir,
Zo‘r uchuvchi bo‘laman!

QALAMNING SHIKOYATI

— Oberganding ukangga,
Sen kecha tushdan keyin.
Men do‘st bo‘lmayman unga,
U bilan yashash qiyin.

Qara, meni sichqonday,
Qobig‘imni chaynadi.
Meni xuddi dushmanday,
Tishlab, ‘rosa qiynadi.

Holin so‘ra, sumkasi,
Mendan battar o‘kingan.
Bultur oldi onasi,
Hamma choki so‘kilgan.

YO‘LDA YOTGAN TOSH

(Ona so‘zi)

— Ko‘rsang yo‘lda yotgan tosh,
Olib tashla bir chetga.
Yo‘qsa u tosh yorar bosh, —
Der onasi Mametga.

Ona so‘zin shu onda,
Mamet ma’nisiz bilar.
— Yotgan tosh hech zamonda,
Bosh yorarmi? — deb kular.

U shu kuni yo‘lida,
Boshiday tosh ko‘radi.
Ne kelar deb qo‘lidan,
Toshni olmay jo‘nadi.

Derki: “Kimdir qoqilsa,
Olib tashlar bir chetga,
Uning boshi yorilsa,
Undan nima Mametga”.

Shu payt naq iblisga teng,
Bir buqa chiqib keldi.
Uni ko‘rib Mametning,
O‘takasi yorildi.
Qochdi, ulgurmay hatto,
U yon-bu yon qarashga.
Gurs yiqildi, yo Xudo,
Boshi urildi toshga.

Boqsa: o‘zi ko‘rgan tosh...
Qon nam qilardi yuzin.
Ko‘zlariga keldi yosh,
Esladi ona so‘zin.

XO‘ROZ ILA MUSHUKCHA

Almisoqning davrida,
Yasharkan bir hovlida
Mushukcha ila xo‘roz,
Xo‘rozning bo‘yni daroz.
Bir kun quyosh botganda,
Xo‘roz inga yotganda
Mushuk unga pixillab,
Depti kulib, xixilab:
— Shomdan keyin ko‘rmaysan,
Yurib safo surmaysan.
Qushlar aro bir boyqush,
Menday o‘tkir ko‘zli qush.
Mening ko‘zim durbinday,
Ufqni ko‘rar yaqinday.
Oy naqadar yop-yorug‘,
Ko‘rinar hatto tariq, —
Dedi talay gap sotib,
Dumchasini o‘ynatib.
Ketdi qo‘nim bilmay hech,
Bir quduqqa keldi duch.
Tubiga boqdi endi,
Suvda aksi ko‘rindi.
“Voy, omadim keldi” deb,
“Zo‘r o‘rtoq topildi” deb,
O‘zini otdi unga,
Shaloplab tushdi suvga.
“Voy, xo‘roz!” deb baqirdi,
“Yordam ber!” deb chaqirdi.
Xo‘roz der, shu zahoti
Bir silkitib qanotin:
— O‘tkir ko‘zdan ne foyda,
Esing yo‘q shu yoshingda.
Yotmas eding u joyda.
Aqling bo‘lsa boshingda,

Qrim-tatarchadan
Miraziz A’ZAM tarjimalari.

Ibn Sino ta'lim-tarbiya mavzusini yoritishda masalaga, avvalo, tabib sifatida yondashadi. U tarbiya farzandning murg'akligidanoq boshlanishi kerakligini alohida uqtiradi.

«ТАНА ВА РУҲ АЖРАЛМАСДИР»

ИБН СИНО АСАРЛАРИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ ТЎҒРИСИДА

Юртимиздан етишиб чиққан буюк алломалар ҳозирги илм-фан, маданият тараққиётининг пойдеворига асос солдилар.

Шундай буюк аждодларимиздан бири – буюк мутафаккир Абу Али ибн Синодир.

Ибн Синонинг ёш авлод таълим-тарбиясига оид қарашлари, инсоннинг шахс сифатида камол топишида илм-маърифатнинг, одоб-ахлоқнинг ўрни ҳақидаги фикр-мулоҳазалари аҳамиятга сазовор.

Ибн Сино Шарқ олимларидан биринчи бўлиб тарбия усуллари ҳақидаги қарашларини тартибли равишда баён этди. Масалан, "Тадбир ул Мансил" risоласида тарбияга бағишланган махсус боб мавжуд. "Ал-қонун" китобидаги тўртта боб боланинг саломатлиги ва жисмоний тарбияси масалаларига бағишланган; "Аш-Шифо" китобида болалар тарбияси методларига бағишланган бўлим мавжуд.

Ибн Сино таълим-тарбия мавзусини ёритишда масалага, аввало, табиб сифатида ёндашади. У тарбия фарзаднинг мурғаклигиданоқ бошланиши кераклигини алоҳида уқтиради. Хусусан, "Ал-қонун"да ёзилишича, тарбиячи ўз фаолиятини боланинг феълини яхшилашдан бошлаши керак. Бунинг учун иложи борича боланинг атроф-муҳитида ўзи истаган, севган нарсалари бўлишини таъминлаш, у ёқтирмайдиган нарсаларни имкони борича унинг кўзидан йироқлаштиришга ҳаракат қилиш керак. Бундан икки тарафлама фойда кўрилади. Аввало, жуда эрта ёшданоқ боланинг руҳонияти фақат яхши нарсаларни ҳис этиши керак, шунда у қатъий ва ўзгармас феъл-атвор эгаси бўлади. Бошқа тарафдан бола феълининг осойишталик, меҳр-оқибат шароитида ривожланиши унинг саломатлиги ва жисмоний ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Агар юқорида кўрсатилган шарт-шароитлар яратилмаса, баъзи болалар аламзада, тажанг, тажовузкор бўлиб қолади. Газабдан бола асаблари таранглашади, бунинг натижасида унинг организмида қўзғалиш юз бериб, руҳий ва жисмоний саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Баъзи болалар камгап, одамови бўлиб қолишади, маъюслик эса, мижозни қуритади. Дангасалик боладаги ҳаётий кучларни заифлаштиради ва хаёлпарастликка олиб боради. Бундан келиб чиқадики, тарбия нафақат маънавий, балки жисмоний соғликка ҳам таъсир кўрсатади.

Олимнинг фикрича, боланинг хатти-ҳаракатини тўғри назорат қилиб туриш ва унга яхши одатларни сингдириб бориш керак. Уни ўз вақтида саводхонликка ўргатиш, ҳунармандчилик ва санъат асарлари билан таништириш лозим.

Олим тарбиянинг бошланиши фарзандга чиройли исм қўйиш, унга яхши энага ва тарбиячи топиш, деб ҳисоблайди. Гўдаклик ёшидан ўтган фарзандини ота ёмон таъсирлардан асраши керак. Олти ёшдан бошлаб болани аста-секин ўқитиш мумкин. Лекин, ўқитиш жуда қизиқарли, болани чарчатмайдиган савияда ўтилиши керак бўлади. Шундай тарбияланган болалар келажакда яхши хулқ-атворли, маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб етишиб чиқади. Лекин, тарбияда бундай ҳолатларга эътибор берилмаса, болалар асабий, сержаҳл бўлиб ўсишади, бунинг натижасида улар келажакда қўрқоқ, заиф кишиларга айланишади. Чунки, Ибн Синонинг таъкидлашича, тана ва руҳ ажралмасдир.

Олим боланинг мактаб тарбиясига алоҳида аҳамият беради. Бола мактабда 14 ёшгача тарбияланиши, ўқитувчи эса, билимдон, ҳалол, меҳрибон, ўқитиш методлари билан яхши таниш, шунингдек, ахлоқий тарбиядан хабардор бўлиши лозим. Олимнинг фикрича, болани ёлғиз ўқитиш мумкин эмас. Ана шунда болалар ўзаро мулоқотда бўлиб, бир-бирларидан яхши одоб-ахлоқ, ўзини тутишни ўрганади.

Аристотель ва Платон таълимотида боланинг тарбиясида, аввало, уни жамиятга фойдали инсон қилиб тарбиялашга урғу берилади. Ибн Сино алоҳида таъкидлайдики, фарзанд давлат ва жамият олдидаги бурчидан ташқари, яхши маънавий ва ақлий тарбияни оиласида олиши керак, бунинг учун ота жавобгардир.

Ибн Сино давридан ўн аср ўтди. Бу давр ичида фалсафа ва илм-фан олдинга улкан қадамлар ташлади: атомнинг тилсимотини ечиб, унинг энергиясини инсон хизматига қўйди, жонли мавжудот ҳаётини бошқаришга имкон берувчи ирсийлик коди аниқланди, биология жонсиз нарсадан жонли нарса яратиш остонасида турибди, медицинада касалликларни даволаш, уларнинг олдини олиш борасида принципиал янги назария ва методлар яратилди, бошқа сайёраларга космик парвозлар реал ҳодисага айланмоқда. Замонавий фан-техниканинг шундай шиддатли тараққиёти билан таққослаганда Ибн Синонинг ёш авлод тарбияси ҳақидаги қарашлари анчагина эскиргандек туюлади. Лекин, инсон ўз маънавиятини шакллантиришда аждодларидан қолиб келаётган бебаҳо бойликлардан руҳий озиқ, куч-қувват олади, уларга таянади. Шунинг учун ҳам миллий қадриятларимизни шакллантиришда Ибн Синонинг билим бойликларидан, тажриба ва тарихий сабоқларидан, одоб-ахлоқ, таълим-тарбияга оид ўгитлари ва йўл-йўриқларидан фойдаланишимиз фойдадан холи бўлмайди.

Ойсафар МАЖИДОВА,
Тошкент автомобиль йўллари институти "Фалсафа" кафедраси ўқитувчиси

Teran tomirlar

ИСЛОМ МАЪРИФАТИ

унинг халқимиз ҳаётида тутган ўрни

Taqriz

"Фан" нашриёти томонидан чоп этилган "Халқимиз маънавияти ва маърифатининг теран илдизлари" китоби муаллиф Қўрғон Бўроновдан ёдгорлик бўлиб қолди. Гарчи Қ.Бўронов ҳозир орамизда йўқ бўлса-да, унинг ёзганлари ислом маърифати ҳақида кенгроқ тушунчага эга бўлишимизга ёрдам беради.

Ушбу китобчада ислом динининг кириб келиши ва халқимиз ҳаётига кўрсатган таъсири ҳақида турли фикрлар берилган. Улардан бирини ўқиймиз: "Марказий Осиёга ислом кириб келган паллада ерда тарқоқ яшаган уруғ ва қабилаларнинг бирлашиш, элат бўлиб шаклланиш жараёни бошланган эди. Ислом бу ижобий ҳаракатда интеграциялашув омили бўлди, яъни ислом ўлка аҳолиси учун маънавий ва ғоявий бирлаштирувчи куч ролини ўйнади, уруғ ва қабилаларни бир-бирига қовуштириб бир бутун элат бўлиш жараёнини тезлаштирди. У этноснинг, яъни, шаклланаётган маҳаллий элатларнинг муҳим маънавий-маърифий негизи бўлиб қолди". Шундай бўлишига қарамай, одамларнинг ислом динини қабул қилиши осон бўлмаган, албатта.

"Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, ерли аҳолининг дилларига мусулмончиликнинг сингдирилиши жуда кўп қаршиликларга учраган, уларга нисбатан араб босқинчилари зулм ва зўравонлик, тазйиқ ва қўрқитиш сиёсатини ишлатган". Бироқ, ислом дини аста-секинлик билан бўлса-да, инсонлар қалбидан ўрин эгаллашга муваффақ бўлди. Бунга бизнинг миллий менталитетимиз ва ахлоқий қарашларимизнинг ислом дини тамойиллари билан яқинлиги ҳам бирмунча ёрдам берди. Масалан, Шарқда ота-онани беҳурмат қилиш кечирилмас айб саналган, исломда ҳам бу гуноҳ ҳисобланади. Шунингдек, аёлларга ҳурмат ва эътибор ҳам муқаддас бурч бўлса, ислом ҳам аёлларни ожизаларга яхши муносабатда бўлиш лозимлигини таъкидлайди. Китобда ислом динининг миллий қадриятлар билан алоқаси ҳақида шундай дейилади: "Ислом ахлоқи ҳам миллий, ҳам умуминсоний маънавий қадриятлардир. Умуминсоний (умумисломий) ахлоқ нормалари ҳар бир муайян миллатнинг ўзига хос ахлоқий фазилатларини инкор қилмайди". Айнан шунинг учун ҳам ислом одамлар кўнглидан жой олиб, ўзининг ривожланишига кенг йўл очган. Бу ҳақда муаллиф шундай ёзади: "Табиийки, агар ислом дини турмуш билан уйғунлашиш хислатига эга бўлмаганида эди, бунчалик кенг тарқалмаган, шунингдек, турли миллат ва халқларнинг қалбига, онгу тафаккурига чуқур сингиб кетмаган бўлур эди".

Одамлар орасида диний ва дунёвий илмлар борасида доимо баҳс бўлиб туради. Кимдир диний илм энг муҳими, дунёвий илм шарт эмас, деб ҳисобласа, яна кимдир аксинча фикрлайди. Бу борада китобда шундай ёзилади: "Диний ва дунёвий маърифат бир-бирига зид эмас, аксинча, улар бир-бирини тўлдиради, бойитади, энг муҳими — ҳар иккиси ҳам ягона мақсадга — маънавий баркамол инсонни тарбиялашга, вояга етказишга қаратилган". Қ.Бўронов ўз мулоҳазаларининг исботи сифатида Абдулла Авлонийнинг "Ўсон миллат" асаридан олинган парчани келтиради: "Илм диний ва фанний қисмлар ила иккига бўлинур. Диний киши бўлмоқ учун улуми диния ўқимоқ ила баробар ҳисоб, ҳандаса, тарих, ҳикмат, тиб, зироат илмлари каби фанний илмларни ҳам билмоқ, чин олим бўлмоқ лозимдир. Чунки бу илмларнинг иккиси ҳам дунё ва охиратимиз, ҳаёт ва саодатимиз учун энг керакли нарсалардир".

Китобни ўқиш жараёнида муаллифнинг кўп изланиш олиб боргани, ҳар бир мавзу ҳақида икки-уч мулоҳаза келтиргани унинг кўп алломалар асарлари билан танишганлигини билдиради. Бу эса, китобдаги фикрларнинг "тош босиши" учун хизмат қилган.

Зуҳра БОБОХЎЖАЕВА

НУРЛИ ЖИЛВА

Сувлар оқиб ўтар,
Жўшқин, шарқироқ,
Лекин ном қолади
Нурли, ярқироқ...

Инсон умри бамисоли оқар сувга ўхшайди. Кўз очиб юмгунингча манзилга етиб келганингни билмай қоласан. Бироқ, баъзи инсонлар номи улар бу ҳаёт ўзанида сузишдан тин олганларидан кейин ҳам авлодларнинг "қалб дарёсида" "ярқираб" жилваланаверади. Бундай саодат бутун ҳаёт, борлиғини жамият, эл-юрт ташвишига, эзгуликка бахшида этганларгагина насиб этади.

А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказий институтида нашр этилган "Маърифатга бахшида умр" китобидаги хотиралар, эсдаликлар, бадиалар тўпламини ўқиб, ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб қарийб қирқ йиллик фаолиятини тамомила маорифга бағишлаган Тоир Дадашев ҳақида ана шундай фикрга келиш мумкин.

Китоб билан танишганингиздан кейин оддий ўқитувчиликдан илмий бўлим мудири, мактаб директори, туман халқ таълими бўлими мудири, шаҳар халқ маорифи бўлими бошлиғигача бўлган лавозимларни босиб ўтган асл маорифчининг нурли образи гавдаланади.

Китобдан зиёкор устознинг инсоний фазилатлари, эзгу ишлари ҳақида кўплаб таниқли шахсларнинг чин дилдан изҳор этилган самимий хотиралари ўрин олган. Мустақил юртимизнинг таниқли кишилари томонидан битилган, ёзиб қолдирилган хотира-эсдалик ва мулоҳазаларнинг барчаси чин дилдан айтилганлиги билан эътиборни ўзига тортади. Булар орасида, Тоир Дадашевнинг фидойи, савобли ишларига гувоҳ бўлган атоқли давлат арбоблари, унинг кундалик фаолиятини кузатиб борган вазирлардан тортиб, мураббий билан бирга ишлаган, сахий қалбли инсон етакчилигида ўзи ҳам моҳир маорифчи бўлиб етишган, уни таниган-билган, ибратли ҳаёт йўлидан воқиф бўлиб бирор яхши сўз айтишни дилига тукканлар ҳам бор. Жумладан, ўша кезлари маориф вазири бўлиб ишлаган Анвар Қўчқоров бундай деб ёзади: "У 13 йил мобайнида пойтахт маорифига раҳбарлик қилди. Тоир Дадашев раҳбарлик лавозимида фақат ўз ҳалол меҳнатига, иймонига ишониб яшади. Бу камтарин раҳбар порахўрлик, лаганбардорлик, иккиюзламачилик, таъмагирлик каби ярамас иллатларга ҳазар билан қарар, унинг ягона душмани шу касаллик эди".

Техника фанлари доктори, профессор Ғулом Шокиров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Муҳиддин Шоумаров, Халқ таълими аълочиси Ўткир Файзиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Солиҳ Ёқубов ва бошқа муаллифларнинг хотиралари ҳам китоб қаҳрамони образини янада тўлдиради. Китобхон кўз ўнгида маорифнинг барча босқичларини босиб ўтган, педагогика фанлари доктори Ҳамидулла Йўлдошев таъбири билан айтганда, "Тошкент шаҳар тизимида Тоир Дадашев мактабини шакллантирган" ташкилотчи, уқувли, айни чоғда адолатли, ҳалол ва ҳақиқий педагог сиймоси намоён бўлади.

Тоир Дадашев 1966 йилги Тошкент зилзиласидан кейин яроқсиз ҳолга келган, ишдан чиққан мактаб биноларини мураккаб бир шароитда янги ўқув йили бошлангунга қадар тиклаш борасида кечани кеча демай, тиним билмай, жонбозлик кўрсатади. Инсон характери мана шундай ғайри одатий вазиятда тобланади. Шунинг учун ҳам ҳали-ҳануз Тоир Дадашевнинг номи маорифчилар хотирасидан ўчмаган, миннатдор авлодлар катта ташкилотчилик ишлари билан биргаликда бир умр тарих фанидан дарс берган мактабга унинг номини қўйишган.

Хотиралар китоби билан танишар эканмиз, Тоир Дадашев асос солган яхлит бир маорифчилар сулоласи ташкил топганлигини билиб оламиз. Ўғил-қизларининг кўпчилиги ота йўлини тутишган. Бири ўқитувчи бўлса, бошқаси тарбиячи. Ҳатто келинлари, невара келинлари, набиралари ҳам ота йўлидан кетишган. Уларнинг кўпчилиги она тили ва адабиёти, тарих, расм, ҳуқуқ, бошланғич синф ўқитувчиси сифатида бугунги кунда ҳам ўсиб келаётган авлодга зиё улашиш билан машғул. Катта ўғиллари Шукрулла Дадашев ота изидан бориб, аввал мактабда ўқитувчи, илмий бўлим мудири, директор, отаси сингари туман халқ таълими бўлими мудири, Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, Халқ таълими вазирлигининг масъул ходими бўлиб ишлаган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, бир қанча шеърий ва насрий тўпламлар муаллифидир. Юқорида келтирилган тўрт сатр ҳам унинг ота хотирасига бағишланган "Мўъжаз Ватан сарвари" шеърий манзумасидан олинган. Қизлари Оҳиста Олимова кўп йиллар тил ва адабиёт ўқитувчиси, 138-мактаб директори бўлиб ишлади, бугунги кунда Чилонзор тумани халқ таълими бўлими мудири. Дарвоқе, Тоир отанинг умр йўлдоши Ақида Тошпўлат қизи ўттиз йил боғчада мураббиялик қилган.

Хотиралар қаҳрамони "муаллимлик касби бамисоли булоққа ўхшайди. Чунки унинг нияти фақат ўзгалар ташналигини қондириш" деган ўгитни тез-тез такрорлар эканлар. Ҳаётда бу булоқдан баҳра олиб, хат-савод таниган, илм ва ҳаёт сирлари билан ошно бўлган кишилар минглаб-миллионлаб. Халқимиз бежиз "устоз отангдек улуғ" демайди. Шундай экан, улар босиб ўтган ибратли ҳаёт йўлини ёдга олиш, уларнинг нурли хотираларини ҳурмат билан жойига қўйиш эзгу иш. Кези келганда ушбу китоб ҳаётини маориф, таълим-тарбия ишига бағишлаган сиймо ҳақида битилган илк намуналардан бири эканлигини қайд этиб ўтиш лозим. Тоир Дадашевдек маориф жонкуярлари якка-ёлғиз эмас. Улар ҳақида ана шундай китоблар битилса, айни муддао бўлур эди.

Дониёр БЕГИМҚУЛОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
Гуласал БЕГИМҚУЛОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

"ЮКОС"НИНГ АСОСИЙ КАПИТАЛИ СОТИЛДИ

"Юкос" нефть ишлаб чиқариш компаниясининг асосий ва энг йирик шўъба корхонаси "Юганскнефтегаз" куни кеча ким ошди савдоси орқали сотилди. "Юкос"нинг асосий капиталини қўлга киритиш учун икки йирик компания беллашди. Булар МЧЖ "Байкалфинансгруп" ва "Газпромнефть". Ушбу корхоналарнинг иккинчиси Россия ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бозорида анча йилдан бери фаолият юритаётган бўлса, МЧЖ "Байкалфинансгруп"ни кўплар шу пайтгача яхши билмас эдилар. Шўъбанинг дастлабки нархи 8,6 миллиард АҚШ доллари деб белгиланган эди ва 9,3 миллиардга етганда, асосий даъвогар рақибларни доғда қолдириб, ғолиб деб тан олинди. "Юкос"нинг давлат олдидаги қарзлари, маълумотларга кўра, 23 миллиард долларни ташкил қилади. Мутасадди органлар ким ошди савдоси йўли билан қарзларни қоплашга эришмоқчи бўлиб туришибди. МЧЖ "Байкалфинансгруп" эндиликда "Юкос"нинг асосий ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш шўъбасининг 76,8 фоиз акциясини қўлга киритди. Бундай ҳолатлар қимматли қоғозлар бозорида нарх-навони остин-устун қилиб юборди. "Газпромнефть" акциялари эса, 3 фоизга тушиб кетди. Энг йирик нарх тушиши "Юкос" компаниясининг қимматли қоғозлари юзасидан кузатилди. Акциялар бир куннинг ўзида 25 фоизга пастлади ва 2000 йиллар кўрсаткичига тушиб қолди, деб хабар беради GZT.ru интернет сайти.



ПЕРУДА КУЧЛИ АВТОҲАЛОКАТ ЮЗ БЕРДИ

Перуда юз берган автоҳалокат натижасида 49 киши ҳалок бўлган ва 15 нафардан ортиқ киши турли даражадаги тан жароҳати олган. Перу пойтахти Лимадан 345 километр узоқликдаги автомагистралда ҳаракатланаётган автобус чамаси 50 метр юқорида жойлашган кўприкдан дарёга тушиб кетган, дея хабар беради "Интерфакс" ахборот агентлиги.

Полиция маҳкамаси ходимларининг айтишича, автобусда кўплаб аёллар ва болалар бўлган. Автоҳалокатда тирик қолган йўловчининг айтишича, ҳайдовчи ёғаётган кучли ёмғир вақтида йўлга чиққан ва катта тезликда ҳаракатланган. Натижада автобусни бошқаролмай қолиб, кўприкдан қулаб тушган. Полиция ва қутқарув хизмати ҳалокат сабабларини ўрганиб чиққач, тўла изоҳ беришларини таъкидлаб ўтишди.

Бундан олдинги худди шундай фожеа жорий йилнинг ноябрь ойида бўлган эди. Унда 17 киши ҳаётдан кўз юмиб, 36 нафар киши жароҳат олган эди. Ҳайдовчилар эса, ўз навбатида автобусларни эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолганлигини айтишмоқда.

УЯЛИ АЛОҚА ХАВФЛИМИ?

Немис олимларининг тўрт йил давомида ўтказган илмий тадқиқотлари шуни кўрсатдики, уяли алоқа радиотўлқинлари инсон организми учун хавф туғдириб, саратон касаллигига олиб келиши мумкин, агарда мижоз ҳаддан ташқари мобиль алоқасидан кўп фойдаланса, дейди дастурнинг координатори Франц Алдкофер.

Евроиттифоқ илтимосига кўра, "Verum" компанияси томонидан ўтказилган текширувлар яққол ва тез юзага келаётган хавф ҳақида гапираётганлари йўқ. Аммо, имкон қадар уяли алоқадан камроқ фойдаланишни тавсия этишмоқда, дея хабар беради "Reuters" ахборот агентлиги. Аввалги шу каби кузатувлар фақатгина асоратлар сифатида бош оғриши ва кўнгил айнашини кўрсатган эди. Натижалар эълон қилингач, уяли телефонлар ишлаб чиқарувчи дунёнинг энг йирик олти компанияси ҳали ҳеч қандай изоҳ билан оммага мурожаат қилгани йўқ.

Интернет манбалари асосида Сарвар САЙЁР ўғли тайёрлади.

Тошкент давлат техника университети томонидан 1993 йилда УСМАНОВ УКТАМ ОМОНОВИЧ номига берилган №027963 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Низомий номидаги ТДПУ ректорати, жамоат ташкилотлари, Ўзбек тили ва адабиёти факультети жамоаси "Ўзбек тили тарихи ва Шарқ тиллари" кафедраси доценти

Латифхон ХАЛИЛОВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

14-yanvar — Vatan himoyachilari kuni

ФИДОЙИ ҲАРБИЙ ЎҚИТУВЧИ

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти кафедра бошлиғининг ўринбосари подполковник Зинабуддин Нажмиддиновга нисбатан юқоридаги иборани ишлатсак, асло муболағa бўлмайди. Чунки юртимиз мустақилликка эришган биринчи йиллардан бошлаб у ўзини мустақил Ўзбекистон армияси учун етук офицер кадрлар тайёрлаш ишига бағишлаган. Ватан унинг меҳнатларини юксак баҳолади — Мустақилликнинг 13 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан ўқитувчи-офицер "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан мукофотланди.

Мақоламиз қаҳрамони билан илк бора танишувимиз ўн йил олдин бўлганди. Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида янги кафедра очилиши муносабати билан хизмат сафарига борган чоғимда капитан З.Нажмиддинов билан учрашдим. Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларига офицерлар тайёрлаш зарурати туғилиб, янги очилган кафедрада жанговор ҳарбий қисмдан келган ёш офицер ишга киришганди.

Ўтган йиллар давомида ушбу кафедрада таълим олган подполковник З.Нажмиддиновнинг илк шогирдлари зенитчи-офицер устозлари берган билимларни амалда муваффақиятли қўллаб, кўплаб ютуқларга эришди. Қуролли Кучлар Академияси тингловчилари капитанлар Мурод Азимов ва Ярослав Расчупкин, жанговор қисмлардаги етакчи бўлинма сардорлари капитанлар Умид Рўзимов ва Лазиз Тожибоев каби шогирдлардан устозлари доимо фахрланиб юришади.

Подполковник З.Нажмиддинов давлат тизимидаги услубий қўлланмалар яратилишида ҳам ўз улушини қўшиб келмоқда. Жумладан, "Қуруқликдаги қўшинларнинг ҳаво ҳужумидан мудофаа бўлинмалари қурол-аслаҳаси ва жанговар техникаси", "Кўчма зенит-ракета мажмуи" номли китоблари билим юрти нашриётида чоп этилган. Кафедранинг бу йилда амалга оширган энг муҳим ишларидан бири — "Академприбор" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан қурилган компьютер тренажёрлари мажмуини ишга тушириш бўлди. Мудофаа вазирлиги томонидан масъул маслаҳатчи этиб айнан подполковник З.Нажмиддиновнинг тайинланиши ҳарбий мутахассис сифатида унга юксак ишонч ва муносиб баҳо берилганлигининг далолатидир.

Лавҳамиз сўнгида ҳарбий ўқитувчимиз шахсий ҳаёти билан боғлиқ бир неча маълумотларни ҳам келтириб ўтсак. 38 ёшли офицер Жалолқудуқ туманида таваллуд топган, икки фарзанднинг отаси. Қизи Манзура мусиқа мактабида таҳсил олмоқда, 11 ёшли ўғли Муҳиддин эса каратэ бўйича сариқ белбоғ соҳиби. Турмуш ўртоғи Мавжуда билим юрти поликлиникасида ҳамшира.

Россиянинг Смоленск шаҳридаги билим юртини тугатиб, офицерлик хизматини Москва вилоятидаги машҳур Таманск дивизиясида бошлаган андижонлик ўғлон, йиллар ўтиши билан ҳарбий ва ҳаётий тажрибаси ортиб бораётган фидойи офицер эл-юрт осойишталиги йўлидаги хизмат олий шараф эканлигини янада теран англамоқда. Ватан эса, ўз фидойиларини доимо ардоқлайди.

Майор Аблай КАМОЛОВ, "Ватанпарвар" газетаси мухбири

Zamonaviy dunyo mo'jizalari

СУВ ОСТИ ТУННЕЛИ

Бундан 2000 йил аввал грек ёзувчиси ўз даврининг баъзи бир ҳайратли бинолари ва санъат асарлари ҳақида ёзган. Ўтмишнинг етти мўъжизаси рўйхати бизнинг давримизгача етиб келган. Ёзувчи бизнинг давримизда яшаганида бу рўйхатга яна нималарни киритган бўларди?

Давримизнинг етти мўъжизаси инсониятнинг буюк ютуқларида намоён бўлади. Бунга 2 та ҳайратга солувчи бино, сув омбори (платина), дунёдаги энг узун сув ости туннели ва қўл билан яратилган оролдаги аэропорт киради. Товушдан тез учувчи замонавий йўловчи ташиш самолётини ҳам эътибордан четда қолдириш мумкин эмас.

Бу рўйхатни космик эранинг учириш майдони тугаллайди, ундан одамзод жонажон планетасини тарк этиб, космосни тадқиқ қилиш учун учади. Бу мўъжизалар бизга ўзимиз ҳақимизда ва ҳозирги даврнинг ҳаёт тарзи ҳақида ҳикоя қилади. Буларнинг баъзилари қулайликлар яратиш билан бир вақтда муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Лекин, уларнинг барчаси ҳақиқий мўъжизадир.

Дунёдаги энг узун сув ости туннели Ла-Манш тагидан ўтади ва у Англияни Франция билан боғлайди. У ҳайратомуз инженерлик иншоотидир. Туннелнинг узунлиги 50 километрдан ошади, шундан 38 километри денгиз тубидан ўтади.

Охирги 200 йил ичида Ла-Маншни забт этиш хусусида кўпгина усуллар ишлаб чиқилди. Туннелнинг қурилиши биринчи марта 1802 йилда таклиф қилинган, уни барпо қилиш кўмитаси эса, 1892 йилда шаклланган. Баъзи бир инженерлар ҳатто қуйилиш устидан кўприк қуриш тўғрисида ҳам гапирганлар. 1985 йилда Франция ва Британия ҳукумати компанияларга туннел режаси билан жиддий шуғулланишни таклиф қилдилар. Бир йилдан кейин 9 та лойиҳадан биттаси танлаб олинди.

Ҳақиқатда эса, 3 та туннел мавжуд. Иккита темир йўл ва битта ишчи туннел.

1987 йилнинг декабрида Англия қирғоқларида, 3 ойдан кейин француз қирғоқларида иш бошланган. Тош кесувчи улкан айланма машиналар бир километр ўйиш учун ойлаб вақт сарфлашган. Туннелни бутунлай тугатишга 3 йил кетган.

Туннеллар денгиз тубидан 45 метр чуқурликда ишланган. Туннелнинг икки бўлагини фақат 100 метр ажратиб турганда, уларни бирлаштириш учун қўл билан кичик туннел қазилган. Ишчилар 1990 йилнинг охирида учрашдилар. Икки темир йўл туннелнинг битказилиши 1991 йилнинг май ва июнь ойларига тўғри келди.

Яна етти ойдан кейин туннел қурилишининг учаласи ҳам ниҳоясига етди ва рельсларни ётқизишга киришилди.

Туннелни қиролича Елизавета II ва президент Ф.Миттеран 1994 йилнинг майида очдилар.

Машиналар туннел поездларидан ҳаракатланувчи шоссе сифатида фойдаланадилар. Улар вагонга охиридан чиқадилар ва бу бошидан 35 минутлар орасида тушадилар. Электровозлар тезликларини 160 километргача оширадилар.

СУВ УСТИДАГИ АЭРОПОРТ

Осака кўрфазидаги Кансаи халқаро аэропорти Япониядаги биринчи сувда қурилган аэропортдир. У 1994 йилда қуриб битказилган. Бу ажойиб аэропортнинг бинолари футуристик дизайнли шиша ва металлдан бўлиб, қўл билан яратилган оролда қад кўтарган. Аэропортнинг узунлиги 1,7 километр. Оролни ва аэропортни бунёд этишда энг охирги технологиялардан фойдаланилган.

Сизда "Нима учун денгизда аэропорт қуриш зарур бўлиб қолди?", деган савол туғилган бўлса, ажаб эмас. Биринчидан, шаҳар яқинида аэропорт қуриш учун жой топиш жуда мушкул. Иккинчидан, шовқин даражасини камайтириш кўзда тутилган. Кансаи аэропорти Хонсю оролидан 5 километр узоқликда жойлашган. Самолётлар денгиз устидан учади ва қўнади. Демак, аэропорт одамларга халал бермай, бемалол суткасига 24 соат фаолият кўрсатади. Сунъий орол тўғрисидаги фикрни муҳокама қилиб, инженерлар оролни бўйига 4 километр ва энига 1,25 километр қилиш режасини ишлаб чиқишни бошладилар. Биринчи сузиб юрувчи орол ҳақидаги фикр кўриб чиқилди, лекин у қимматга тушарди ва бир маромда ишламасди.

Оролни бунёд этиш учун 5 йил кетди.

Аввалига Осака кўрфазидаги денгиз тубида 20 метрлик чуқурликда қум ва тупроқ, кейин устига шағал тўкилди. Шағалнинг оғирлиги секинаста денгиз тубидан сувни сиқиб чиқарди ва мустаҳкам асос ҳосил қилди.

Аэропорт қурилишига архитектор топиш учун танлов эълон қилинди.

Париждаги машҳур Помпиду марказининг ижодкорларидан бири Ренйо Пьяно танлов ғолиби бўлди. Аэропорт қурилиши ҳали орол битмасдан аввал бошлаб юборилди.

Пьяно компанияси узунлиги 1700 метрли бино қуришга қарор қилди, унда йўловчиларнинг осон ҳаракатланишлари кўзда тутилган эди. Бинонинг маркази тўрт қаватли, улкан туртиб чиққан томли бўлиб у самолётнинг қанотига ўхшатиб қурилган. Орол ҳанузгача чўкаяпти ва яна бир неча йил чўкишда аста давом этади.

Аэропорт қуруқликка икки хил баландликдаги кўприк билан бирлаштирилган, пастдаги кўприкдан темир йўл, тепасидагидан катта машина йўли ўтган.

Кансаи аэропортида биттагина учиб-қўниш йўлаги мавжуд, лекин у ердан 25 миллион йўловчи йилига 160000 марта учиши мумкин.

Феруза УМРЗОҚОВА тайёрлади.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти ректорати, касаба уюшмаси қўмитаси, профессор-ўқитувчилар жамоаси "Бухгалтерия ҳисоби ва молия кафедраси" доценти Асқар Пўлатовга рафиқаси

ТУРСУНОЙ АЯнинг

вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Тошкент шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти жамоаси институтнинг собиқ ходими Мусавара Зеленскаяга онаси

Амагани ШАКИРОВАнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ижтимоий йўналишдаги Республика махсус гимназияси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги масъул ходими Баҳодир Бўроновга волидаи муҳтарамаси

Хайринисо ая АҲМЕДОВАнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Ижтимоий йўналишдаги Республика махсус гимназияси жамоаси жисмоний тарбия ўқитувчиси Гулчеҳра Раҳимовага падари бузруквори

Иноят ота ҲИДОЯТОВнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Самарқанд вилояти Нуробод тумани халқ таълими бўлими ҳамда 24-умумий ўрта таълим мактаби жамоаси француз тили ўқитувчиси

Сафар ТУРСУНОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила-аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

"Yaldo kechasi"dan boshlab esa nur, yorug'lik zulmat ustidan g'alaba qila boshlaydi. Bu mantiqqa juda mos.

ЯЛДО — ТУНГИ БАЙРАМ

"Ялдо" сўзи туркий сўз бўлиб, баъзи луғатларда унинг келиб чиқиш тарихини яхши билмаслик оқибатида форс-тожик сўзлари қаторига киритадилар. Маҳмуд Қошғарийнинг "Девони луғатит турк" асарида "йал" ўзагидан ясалган "йалафар", "йалавоч" каби сўзлар билан "йалдо" маъносига яқин бўлган маънодаги бошқа сўзлар ҳам ўрин олган. Шулардан "йал" ўзаги бир пайтнинг ўзида "ёнмоқ" ҳамда шу ўзакдан ҳосил қилинган "йалдиради" — "ёритди" маъноларига эга бўлиш билан бирга "йалди" сўзининг "қорайтирмоқ" маъноси ҳам борлиги қайд этилган. Бу ўринда бу сўзнинг икки қарама-қарши маънога эга бўлиб қолиш жараёни (энантиосемия)га қизиқ бир мисол ҳам бор. Маъно силжиши билан сўзнинг дастлабки маъносидан бир-бирига зид маънолар урчиши жараёнини ифода этиш жуда осон: йал — ёнмоқ, ёниш натижасида нарса(ёғоч)нинг қорайиб кетиши унинг қораймоқ маъносини ҳам берган. Бу жараён бизни шунинг учун ҳам қизиқтирадики, "йалдо" сўзи, "йал" ўзагининг айнан "қораймоқ" маъноси асосида ҳосил бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.

Ялдо йилнинг барча тунларининг энг ёруғи деб ифода этилади. Ҳозирги кунларда кузатиб, 21 декабрь кечаси барча тунлардан ёруғ эканлигини тасдиқласа бўладими? Менимча йўқ. Унда ҳазрат Хожа Аҳмад Яссавий бадиий таъсир кучли бўлсин деб бир туркий бирикмага (Ялдо кеча) форсий бир бирикмани (Шамъи шабистон) зид қўйганлар-ку. Бу асли моҳияти билан ҳақиқатга тўғри келиш-келмаслигини назардан соқит қилганларми?

Ёки "Ялдо кечаси" энг узун ва қоронғу кеча сифатида кечаларнинг султони деб кўчма маъно ҳосил қилдиларми? Бизнинг мулоҳазамизга кўра униси ҳам, буниси ҳам эмас. Бу ўринда астрономик маълумотни тил бирлиги орқали ифода этиш билан бир қаторда (Қуёшнинг қишки тик туриши) унинг ижтимоий этник маъносини ҳам юзага чиқармоқда. Ягона тун байрами бўлмиш "Ялдо кечаси", албатта, тим қоронғу жойда ўтказилиши мумкин эмас. Байрам қаерда нишонланмасин, шу ер имкон қадар ёритилган. "Шамъи шабистон" бирикмасининг иккинчи маъноси "уйни ёритувчи шам" эканлигини ҳисобга олсак, бу байрам, асосан, уйда, хоналарда байрам қилинган. Аниқроғи, "Шамъи шабистон"да бир пайтнинг ўзида ҳамма хонадонлар ухламай, уйларини ёриткичлар — чироғу шамлар билан ёритиб, байрам ўтказганлар. Демакки, йилнинг барча кечаларидан бу тун энг ёруғ бўлганлиги ифода этилган.

"Ялдо" сўзига энг мос тушадиган маъно Козловнинг "Древнетюркский словарь"ида акс этган. Бу луғатда "йалт" сўзининг "тик" маъноси қайд этилган. Қояга нисбатан ишлатилган бу сўз бир чети сиртга чиқиб турган тик қояни ифода этиши кўрсатилган. "Ялдо" сўзининг маъносида ҳам Қуёшнинг қишки энг паст тик нуқтаси билан боғланиш бор. Демак, бу сўз тилимиздаги "Наврўз" сўзи билан биргаликда Қуёш ҳолати ва унинг натижасини ифода этувчи сўз сифатида қаралмоғи керак.

"Ялдо" сўзи ҳарфлари тўлиқ ёзилса, (ҳозирги лотин алифбомиздаги каби) "Йалдо" кўринишига эга бўлади. Бу сўз бизнингча, йалт + а шаклида (уй + а-уя, кеч+а-кеча каби) ясалган. Бунда "т"нинг "д"га айланиши табиий, ўзбек тилининг кейинги тараққиётида сонор ва унли товуш орасида қолган "т" ўзининг жарангли шериги "д"га айланган (масалан, йултуз-йулдуз).

"Ялдо" сўзининг айнан биз айтган маъно ва шаклда бўлганлигини таъкидловчи яна бир далил бор. Бу сўз мумтоз адабиётимизда алоҳида ҳолда қўлланилмайди. Унинг олдида ёки кейинида, албатта, "кеча" ёки "тун" сўзлари ишлатилмоғи шарт. Бу сўз "энг узоқ тун" маъносини ҳам билдиради. "Йалдо кечаси" кўп юзйилликлар давомида халқимиз томонидан байрам қилиб келинган. "Ялдо" кечаси халқимиз байрамлари орасида ягона тунги байрам бўлиб, унда кишилар измида кўп вақт бўлган ва бу байрам қатнашчилари вақт нуқтаи назаридан бемалол бепарволикка йўл қўйиш имконига эга бўлган. Шунинг учун ҳам узоқ вақт тараллабедод қилиб вақтини беҳуда ўтказадиганларга "ҳали ҳам ялло қилиб юрибсанми?" дейиш ўринли бўлган. Бунинг устига "Ялдо кечаси" деҳқонларнинг зироат юзасидан энг қўли бўш пайтига тўғри келади: ҳосил йиғиштириб олинган, янги экин экиш мавсумига ҳали тайёргарлик бошланмаган, яъни бу жиҳатдан ҳам ўзни бепарво тутиш мумкин бўлган бир вақтдир.

Talqin

"Ялдо" сўзи мумтоз адабиётимизда узоқ муддатдан бери бир сиёқ (образ) сифатида ишлатилиб келинади. Биз бир мақоламизда "Ялдо"нинг турли замон шоир ва адибларида ишлатилган ўринлари ҳақида тўхталган эдик. Бу сафар эса, ҳазрат Аҳмад Яссавийнинг бир ҳикматини, аниқроғи, Амир Темур ҳазратлари "Анқара жангидан аввал танҳо қолиб, етмиш карра ёд ўқиб, Яратгандан зафар тилаган ҳикматини, ўша ҳикматдаги "ялдо" сўзининг бизга етказган маълумотини таҳлил қиламиз. Тўлиқ матнни келтирамиз.

Ялдо кечани шамъи шабистон эткан,
Бир лаҳзада оламни гулистон эткан.
Бас, мушкул ишим тушубтур осон этгил,
Эй, барчани мушкулини осон эткан.

«Ялдо кечани шамъи шабистон этган». Бизнинг таҳлилимиз фақат шу мисра доирасида. "Шабистон" аёнки тун—кечадир. Ялдо ҳам йилнинг энг узун кечасидир. Агар мисрага диққат билан қараб, маъно боғланишларини эътиборга олмасак, қатордаги беш сўздан учтаси кеча тушунчасини ифодалайди: ялдо, кеча, шабистон. Мана шу уч сўзга ушбу мисранинг ўзида зид қўлланилган биргина сўз "шамъи" бор. Бироқ, шамъи сўзи бу ўринда шабистон билан бир бирикма эканлигини ва бу бир ибора сифатида мумтоз адабиётимизда кўп қўлланилишини биламиз. Шабистон ўзлашган бўлганида эди, у бу сўзларсиз ҳам маънони ифода этган бўлар эди.

"Ялдо" сўзи ва унинг тилимиз, маданий тарихимиздаги ўрни ҳақида гап бошлаган эканмиз, бу сўзнинг халқ тилида, бизнингча, бироз ўзгарган, нотўғри этимологияси ҳақида тўхталиб, фикрни охирига етказмоқчимиз. Гап "ялла" сўзи ҳақида. Ялла халқ тилида ҳам, адабий тилимизда ҳам кенг ишлатилади. Унга изоҳли луғатда шундай таъриф берилади: 1) енгил ва шўх қўшиқ, ашула айтмоқ; 2) вақтини ўйин-кулгу билан ўтказмоқ, беғам ва бепарво юрмоқ. Бу сўздан ясалган "яллачи" ҳам мавзумизни очишда зарур бўлади. Унинг маъноси изоҳли луғат бўйича "тўй-томошаларда қўшиқ айтиб, ўйинга тушиб юришни касб қилиб олган шахс" деб берилган. Ҳозирга қадар тилшунос ва бошқа дахлдор соҳа олимлари "ялла" сўзи этимологиясини "Ё Оллоҳ-Ё Олло-Йолло" "йалла" тарзида белгилашга розилар. Бироқ, бу илмий таҳлил ўзбек тилидаги "ялла" сўзи қайси феъл билан бирикишини ҳисобга олмай қилинган. Агар этимология тўғри бўлганида унда "йалла" деб ёки "ялла айтиб юрибди" дейилган бўлиши мажбурий эди. Лекин, на тарихан ва ҳозир бундай бирикма ўзбекча бўлмайди. Илмий тил билан айтилса, тилнинг тарихий мантиғи бунга йўл бермайди. Демак, бу этимологияни шубҳали деб қараш керак бўлади.

Яна "Ялдо кечаси" ҳақида тўхталсак, бу кеча маърифат ёғдусига интиладиган, Қуръон, ҳадис, ҳикмат каби муқаддас китоблар ўқиладиган тун бўлган. Демакки, шамъи шабистон айни пайтда янги маъно ташимоқда. Ундаги шамъ — маърифат ёғдуси ҳамдир. Ушбу мисрада инсон зулматда нурга интилиши фарзу қарз эканлигини таъкидлаш учун назаримизда "ялдо" сўзининг шаклан ялтирамоқ, нур чиқармоқ сўзига яқинлиги ҳам мазкур мақсадни рўёбга чиқаришга кўмак берган.

"Ялдо кечаси" нега байрам қилинган, деган савол туғилиши табиий. Зотан, нима учун аждодларимиз 21 июнь кунини Қуёшнинг ёзги тик туриши ва энг узоқ, ёруғ, нурли кунни махсус атамаган, нишонламаган? Ота-боболаримиз кундузни яхшилик, кечани унинг зидди деб билганлар-ку? Кундуз бу нур, кеча бу зулмат. Ҳа, айнан мана шу тушунча "Ялдо кечаси" байрами учун асос бўлган. Ёзги энг узоқ кундан кейин тун — зулматнинг ҳукмронлик вақти ортиб боради, зулмат кучга мина бошлайди. "Ялдо кечаси"дан бошлаб эса нур, ёруғлик зулмат устидан ғалаба қила бошлайди. Бу мантиққа жуда мос. Ялдо туни энг узоқ кеча бўлишига қарамай, айни пайтда унинг мағлуб бўлишининг бошланғич нуқтасидир. Наврўз куни ҳам баҳорнинг тўлиқ ғалабасининг эмас, балки зафарларининг бошланиши кунидир. Демак, бизнинг анъанавий байрамларимиз моҳиятан бир-бирига уйғун, бирбирининг давоми бўлган.

Бахтиёр ИСАБЕК

САМАРАДОРЛИК СИРИ

Milliy dastur — amalda

НАЗАРИЯДАН АМАЛИЁТГА

Зомин маиший –хизмат ва қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида 700 нафар ўқувчи билим олмоқда. Улар янги ўқув йилида агрономия, бухгалтерия, молия, банк иши, қишлоқ хўжалиги машиналарини жиҳозлаш ва таъмирлаш, чорвачилик бўйича фермер хўжалигини ташкил этиш ва юритиш, тикувчилик ишлаб чиқариши, ҳуқуқ ва хўжалик фаолияти, автотранспорт воситаларини бошқариш ва уларга техник хизмат кўрсатиш мутахассисликлари бўйича касб-ҳунар ўрганадилар.

Ўқувчиларга сифатли билим кўникмалари ва касб сирларини ўргатиш йўлида 40 нафар умумтаълим ва махсус фан ўқитувчилари, 14 нафар ишлаб чиқариш таълим усталари фаолият кўрсатаяпти. Кабинетларни жиҳозлаш ва ҳар бир машғулотни кўргазмали қуроллар асосида, техник воситалардан фойдаланган ҳолда ўтилишига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Химия, биология, физика, ЭҲМ, қишлоқ хўжалиги машиналари кабинети, автомобиль йўл ҳаракати қоидаси, касбий амалиёт, тикувчилик кабинетлари замон талаби даражасида жиҳозланган. Бу кабинетларга кодоскоп, эпидоскоп, компьютерлар ўрнатилган.

Ўтган ўқув йилида таълим муассасасида битта Республика миқёсида, ҳамда бир неча марта вилоят ва туман миқёсида семинар машғулотлар уюштирилди. 70 дан ортиқ очиқ дарслар, 14 та электрон версия дарслари ташкил этилди. 3 нафар илғор ўқитувчининг иш тажрибаси оммалаштирилди.

Коллежда ўқувчиларнинг назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаш яхши йўлга қўйилган. Ўқув юрти ҳудудида тажриба участкаси бор. Унда дуккакли ва дон экинлари, техник ўсимликлар, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилади. Ўқувчилар ана шу ўсимликларнинг уруғидан экиб, ҳосил олингунча давом этадиган жараённи бевосита кузатиб борадилар. Шунингдек, коллежнинг 50 гектар ери бор. Қишлоқ хўжалигига оид амалий машғулотлар ана шу майдонда олиб борилади. Тикувчилик амалиёт хонаси Германияда тайёрланган "PFFAFZINGER" фирмасининг "BERNINA" тикув машиналари билан жиҳозланган. 16 хил операция бажарадиган ана шундай тикиш дастгоҳларидан 27 та бор. Компьютер асосида ишлаб 1000 хил операцияни бажаришга мўлжалланган "Артиста - 180" дастгоҳи ҳам ёшлар ихтиёрида. Бўлажак тикувчилар кашта тикиш машиналарида миллий либосларга турли шаклдаги безаклар туширишни ўрганмоқдалар. Ёш автотранспортчилар эса, ўқув хонасида автомобилларнинг ишлаш жараёнини бевосита кузатиш имкониятига эга.

ЯПОНИЯ ГРАНТИ АСОСИДА

Юртимизда фаолият кўрсатаётган касб-ҳунар коллежлари дунёнинг ривожланган давлатлари билан алоқани мустаҳкамламоқдалар. Зомин маиший-хизмат ва қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи япониялик ҳамкорлар билан алоқа ўрнатган.

— Япония давлати томонидан коллежимизда ўқув жараёни ва ишлаб чиқариш амалиётини ривожлантиришга 1 млрд. сўм миқдорида грант ажратилган, - дейди коллеж директори Аҳрор Мирзиёев. – Шу кунгача ўқув амалиёти учун 283 млн. сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Автотранспорт воситаларини таъмирлаш, чорвачиликни ўрганишга мўлжалланган мини ферма қурилди. Бунда ўқувчилар фермер ва чорвачилик йўналишлари бўйича тажриба амалиёти олиб борадилар. Япония жиҳозлари ёрдамида чорва молларидан насл олишдан тортиб, уни парваришлаш, чорва маҳсулдорлигини ошириш борасида илмий-амалий маълумотга эга бўладилар. Ўқув амалиёт хоналари 20 та давлатдан келтирилган ускуналар билан жиҳозланган. Келгусида коллеж ўқитувчиларининг малака оширишлари учун Японияга юбориш кутилмоқда.

Коллежда ўқувчиларнинг амалий тажрибасини ошириш ва малакасини мустаҳкамлашда техника воситаларининг ўрни катта бўлаяпти. Ҳозир амалиёт учун ўқувчилар ихтиёрида "ОТОЙЎЛ" автобуси ва юк машинаси, "Тико" автомашинаси бор. Шунингдек, дала ишларига мўлжалланган экиш сеялкалари, ерга ишлов бериш воситалари ўқувчилар тажрибасини оширишда қўл келаяпти. Шуни айтиб ўтиш керакки, ўқувчи ёшлар асосий мутахассисликка қўшимча равишда автотранспорт воситаларини бошқариш учун "ВС" категориядаги ҳайдовчилик гувоҳномасини олишади.

КОЛЛЕЖ ХАЛҚАРО ИНТЕРНЕТДА

Коллежда ўқувчиларнинг умумтаълим фанларидан чуқур билим олиши учун барча шароит етарли. Замонавий компьютерлар билан жиҳозланган махсус синфхона мавжуд. Яқинда коллеж компьютери халқаро Интернет тизимига уланди. Бу халқаро интернетга уланган тумандаги ягона биринчи ўқув юртидир. Эндиликда ўқувчилар дунёнинг ривожланган давлатлари ҳақида ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишлари мумкин.

КУТУБХОНА—НУРХОНА

Ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш, уларни бадиий адабиётдан хабардор этишда кутубхонанинг ўрни катта.Таълим муассасаси кутубхонасида 10855 та китоб мавжуд бўлиб, унинг асосий қисмини ўқув адабиётлари ташкил этади. Ўқувчиларнинг деярли барчаси кутубхонага аъзо. Кутубхона қошида 50 ўринли ўқув зали бор. Шунингдек, маҳаллий ижодкорлар билан биргаликда учрашув ўтказиш йўлга қўйилган. Кутубхонада Президент асарлари кўргазмаси, маънавият ва маърифат, методик қўлланмалар бурчаги мавжуд. Ўқитувчилар ҳар бир фан бўйича маъруза матнлари тайёрлаб, кутубхонага топширадилар.

Қўшни вилоят ва туманлардан келган ўқувчилар учун 50 ўринли ётоқхона бор.

Ётоқхонада ўқувчиларнинг дам олиши ва ўқиши учун шароит етарли. Маънавий-маърифий ишлар яхши йўлга қўйилган. Ётоқхона қиш мавсумида яхши иситилади. У доимий равишда иссиқ ва совуқ сув билан таъминланган. Ётоқхонада кутубхона ҳамкорлигида ёшлар ўртасида учрашув ва суҳбатлар мунтазам уюштирилади.

МЕҲР-МУРУВВАТ — МАЪНАВИЙ РАҒБАТ

Коллежда қўшимча сармоя топишга эътибор катта. Бундай қўшимча даромад автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатишдан ва ёрдамчи хўжаликдан олинади. 50 гектар майдонга буғдой экилган эди. Ёзда ундан мўл ҳосил олинди. Ҳар бир ўқитувчига 100 кг.дан бепул буғдой тарқатилди. Қолган маблағ ҳисобига ётоқхона, синфхоналар таъмирланди. Атрофни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида 1500 туп мева-манзарали дарахт ва гул экилди.

Коллежда кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Уларни иссиқ кийим бош, ўқув дарсликлари билан таъминлаш йўлга қўйилган. Меҳр-мурувват — маънавий рағбат тамойили асосида тарбиявий ишлар ташкил этилган. Ўқувчи-ёшларни маънавий жиҳатдан қўллаб- қувватлаш кўпроқ самара беради. Турли байрамлар муносабати билан бир пиёла чой устида учрашув, меҳр-оқибат мавзусида давра суҳбати, саҳна кўринишлари намойиш этилиши орқали ўқувчилар ўртасида ўзаро ҳурмат, ватанга муҳаббат туйғулари мустаҳкамланмоқда. Коллеж қандай тадбир ўтказилмасин, у бир мақсадга — ёшларни юртимизга муносиб ўғил-қизлар қилиб вояга етказишга қаратилган.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
"Ma'rifat" мухбири

«ТАЛАБА» СПОРТ УЮШМАСИ

барча олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатмоқда

Спорт билан шуғулланиш ихтиёрий. Ҳаммага маълум бир ҳақиқат бор: соғ танда соғлом ақл ривожланади. Бу нақл теграсида эса, истаганча мулоҳаза юритиш мумкин. Соғлиги ҳақида қайғурган ҳар қандай киши ҳар қандай вазиятда спортнинг қайсидир тури билан шуғулланишга вақт ҳам, ҳафсала ҳам топади. Ёшларнинг энг камолга етган даври талабалик йилларига тўғри келиши нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Талаба" спорт уюшмасини тузиш борасидаги ташаббуси ҳамда буни амалга ошириш учун бошлаган дастлабки саъй-ҳаракатлари қўллаб-қувватлашга моликдир. Хўш, бу уюшмани тузишнинг зарурати, мақсад ёхуд вазифалари нимадан иборат экан? Муддаомиз холисона таҳлил, объектимиз эса Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтидир.

Ихтисослашган олий ўқув юрти бўлгани боис, вазирликнинг уюшма тузиш тўғрисидаги кўрсатмаси бу ерда гўёки нур устига нурдек қабул қилинди. Институт ташкил этилгандан бери фаолият кўрсатиб келаётган спорт клуби ана шу муносабат билан ўз ишини яна бир карра таҳлил қилиб чиқиш, мавжуд имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирларига киришди. Спорт базаси анчагина бой бўлиб, волейбол, очиқ теннис корти, қўлтўпи майдонлари, шунингдек, оғир атлетика зали мавжуд. Институт ҳудудида эса, волейбол, кураш, бокс, қиличбозлик заллари жойлашган. Аввало, спортнинг таълимий шакли орқали талабаларни жисмоний жиҳатдан чиниқтириб бориш биринчи галдаги вазифа бўлиши керак. Ана шу мақсадга йўналтирилган мутахассислик фанлари кафедраларида икки томонлама ёндашувни кузатиш мумкин: биринчиси таълимий, яъни назарий характерга эга, иккинчиси эса, тарбиявий. "Миллий ва халқаро кураш турлари", "Бокс ва қиличбозлик", "Оғир атлетика ва велоспорт", "Гимнастика", "Сув спорти турлари", "Футбол, қўл тўпи", "Спорт ўйинлари (волейбол, теннис, баскетбол) кафедралари ўз зиммасига юкланган вазифаларни нафақат бакалавриат босқичида, балки магистратура таълимида ҳам давом эттиришмоқда. Давлат ўқув режасидаги юкламалар барча турлар бўйича 1-курсга 126 соат, 2-курсга 122 соат, 3-курсга 106 соат, 4-курсга 158 соат миқдорида амалга оширилади. Дзюдо, самбо, эркин кураш, юнон-рум кураши, кураш, белбоғли кураш бўйича олиб бориладиган қўшимча машғулотлар талабаларнинг спорт маҳоратини оширишга хизмат қилади. Ўқув юкламасида бундай машғулотларга 2175 соат ажратилган бўлиб, талабалар ҳар олти ойда синовдан ўтказилади. Бундан ташқари уларнинг ҳар ярим йилда тиббий кўрикдан ўтказилиши ҳам муҳим жиҳат ҳисобланади.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, спорт клуби факультет ёки кафедралардан айри ҳолатда иш юритмайди. Уларнинг фаолияти баҳамжиҳат ва бир-бири билан узвий боғлиқ. Клуб барча спорт турларини ўз ичига қамраб олган, яъни футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, теннис, шунингдек, якка кураш спорт турлари факультети таркибига кирувчи кураш, бокс, қиличбозлик, гимнастика, акробатика, сув спорти билан ҳам клуб аъзолари шуғулланишлари мумкин. Айрим спорт турлари, масалан, шарқона якка кураш, аэробика бўйича талабалар касбий таълим кафедралари орқали билим ва маҳорат эгаллайдилар. Булар, аввало, институт очиқ биринчилигида, қолаверса, нормативлар топширилганда намоён бўлиб боради. Ҳар бир талаба ўз спорт туридан ташқари иккита разрядни эгаллаган бўлиши шарт. Биринчи, иккинчи, учинчи разряддан сўнг спорт усталигига номзод, спорт устаси, халқаро тоифадаги спорт устаси даражалари берилади.

Талабанинг ишлаб чиқариш амалиёти ҳам маҳорат чўққисини забт этишида муҳим босқичдир. 3-курсда улар умумий ўрта таълим, 4-курсда махсус спорт мактабларида педагогик амалиётга жалб қилинадилар. Нима учун биринчи ва иккинчи курсга амалиёт жорий қилинмаган, деган савол туғилади. Чунки дастлабки босқичда ҳали талаба у қадар чиниқмаган ва шароитга унчалик мослашмаган бўлади. Кейинги босқичларда эса, амалиётни рисоладагидек ўтай олади, чунки бунгача у икки йиллик машқларда тобланади.

Институт спорт клубида ўзининг дастлабки муваффақиятларига шу ерда эришган ва кейинчалик "юлдуз" даражасига чиққанлар ҳақида ҳамиша фахр-ифтихор билан гапирилади. Арсен Фадзаев, Рустам Казаков, Рифат Рисқиев, марҳум футболчилар С.Федоров, М. Ан, гимнастика бўйича жаҳон олимпиадаси ғолиби Элвира Саади, оғир атлетика бўйича жаҳон ва Европа рекордчиси Эркин Каримов, М.Қосимов ва бошқаларни шулар жумласига киритиш мумкин.

Спорт клуби доимий ҳаракатдаги ташкилот. Бунга аъзо бўлмаган ёки ўзини дахлдор деб билмаган талабани институтда учратмайсиз. Клуб раиси, белбоғли кураш бўйича республика бош мураббийси Шавкат Мирзақуловнинг таъкидлашича, институт ректорати бутун диққат-эътиборини мавжуд муаммолар ечимига қаратмоқда. Икки йил ичида очиқ майдонларнинг барчаси капитал таъмирдан чиқарилди. Сув ҳавзаси ва футбол майдонининг ижарага олиниши муаммо туғдириши табиий.

Ҳозир олий ўқув юртлари орасида универсиада мусобақаларини ўтказиш анъанавий тус олди. Айниқса, махсус институт бўлгани боис бундай нуфузли мусобақага жиддий тайёргарлик кўрилади. Наманган ва Бухоро шаҳридаги беллашувларда институт Тошкент шаҳри жамоалари орасида биринчи ўринни эгаллади.

Ўз қизиқиши, хоҳиш ва эҳтиёжлари учун яратилаётган шарт-шароит хусусида клуб аъзоларидан бири, 2-курс магистранти Жамолиддин Норовнинг мулоҳазасини тингладик:

— Армрестлинг билан шуғулланаман. Армрестлинг инглизчада "қўл кураши" деган маънони англатади. Бу ўйин америкаликлардан бизга кириб келди. Бунга битта мослама бўлса бас, катта маблағ талаб қилмайди. Ҳозир армрестлингни умумтаълим мактабларида йўлга қўйиш учун Халқ таълими вазирлиги 111 та стол тарқатган, деб эшитдим. Агар республикамизда 10 мингта умумтаълим мактаби бор бўлса, бу жуда ҳам арзимас жиҳоздир. Келаси йиллардан барча мактаб, лицей, коллежлар армрестлинг столи билан таъминланса, бу тур оммавий тарзда ривожланар эди.

Дарҳақиқат, спорт — миллионларнинг чиниқиш, маҳорат ва саломатлик мактаби экан, олий ўқув юртларида тузилган "Талаба" спорт уюшмаси номига эмас, балки чинакам маънодаги ёшлар ташкилотига айланиши керак. Токи, бунда шуғулланган йигит-қизлар камида 100 йил умр кўриб, ўз ўғил-қизлари, невара-чевараларига спорт нақадар катта қудратга эга эканлиги ҳақидаги насиҳатларини бериб юришсин.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Tahlil

МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИДА СПОРТ БЕЛЛАШУВЛАРИ

Пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйларида спортни оммалаштириш юзасидан мусобақалар ўтказиш одат тусига айланиб қолди. Шаҳардаги 21, 22, 23, 24, 30 ва 31-Меҳрибонлик уйларида спортнинг футбол, стол тенниси, шахмат ва шашка ҳамда армрестлинг турлари бўйича ўтказилган беллашувларни мухлислар ҳаяжон билан томоша қилишди. 22-Меҳрибонлик уйида ўтган финал мусобақасида қатнашчилар ғолиблик учун куч синашишди.

Беллашув ғолиблари ва совриндорларига Ўзбекистон "Ёшлик" кўнгилли спорт жамияти Марказий кенгашининг диплом ва қимматли совринлари топширилди.

Ғ.МАННОПОВ

ЕВРОПА ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНЛАНДИ

Юнон шаҳри бўлмиш Салоникида кураш бўйича Европа чемпионати ўз ниҳоясига етди. Унда 30 га яқин мамлакат вакиллари иштирок этди. Эркаклар ўртасидаги мусобақада биринчи ўрин мезбонларга, иккинчи ўрин Туркия вакилларига, фахрий учинчи ўрин эса, арманистонлик полвонларга насиб этди.

Аёллар ўртасидаги баҳсларда ғолибликни Туркия жамоаси қўлга киритди. Кейинги ўринлар Арманистон ва Юнонистонлик аёллар ўртасида тақсимланди.

Турнирдан сўнг катталар ўртасидаги кураш бўйича Европа чемпионати 2005 йили Варшавада, ёшлар ўртасидаги мусобақалар эса, Истамбулда ўтиши белгиланди.

Нозима АҲМЕДОВА

ОИТС ОФАТИСИЗ КЕЛАЖАК САРИ

Ҳозирги пайтда дунё ҳамжамиятининг тараққиётига тўсқинлик қилаётган омиллардан бири бу — гиёҳвандлик ва наркобизнес бўлса, унинг издоши ОИТС бўлиб қолмоқда. Бу ҳолат, айниқса, ривожланиш остонасида турган давлатларнинг тараққий этишига тўсиқ бўлувчи оқибатлардандир.

ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми)га қарши ва унинг олдини олиш учун ҳозирда дунё ҳамжамияти томонидан кўпгина ишлар қилинаётган бўлса-да, бу офатнинг домига тушиб қолаётган ёшлар ҳамон учраб турибди. Унинг олдини олиш учун жойларда ёшлар билан учрашувлар, тадбирлар ўтказилиб келинаяпти.

Яқинда пойтахтимизнинг "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Йиғинда ОИТС ва ОИВнинг хатарли ҳолатларидан қандай қилиб сақланиш тўғрисида суҳбат бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, бу каби тадбирларнинг ташкиллаштирилиши ҳозирги кун муаммоси бўлган ОИТС ва ОИВга қарши курашнинг энг таъсирчан усули бўлиб, у ёшлар дунёқарашини шакллантиришда муҳим омил бўлади.

Учқун БОБОЕВ,
ЎзМУ талабаси

Ҳурматли
Мапурат ЭГАМОВА!

Сизни 50 ёшингиз билан самимий муборакбод этамиз. Ярим асрлик сермазмун ҳаётингиз, кўп йиллик педагогик фаолиятингиз шогирдларингизга бундан буён ҳам ибрат бўлиб қолсин. Бугунги кунингиз умрингиз баҳори бўлсин. Ижодий кайфият ва сиҳат-саломатлик Сизни тарк этмасин. Оилангиз ва жамоамиз бахтига доимо бор бўлинг!

Фориш тумани
ХТБ ва 33-мактаб
жамоаси ҳамда оилангиз.

А.Авлоний номидаги халқ таълими раҳбар ходимларининг малакасини ошириш Марказий институтининг 2005 йилда январь ойи учун малака ошириш курслари режаси

1	ҚР ХТВ, Тошкент шаҳри, вилоятлар ХТБ, туман (шаҳар) ХТБ ҳузуридаги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссиялари раислари учун ўқув курси (ХТВнинг 10.12.2002 йилдаги 02—679)-сонли хати асосида)	17—29 январь
2	ПҚТМОИларнинг педагогика-психология ўқитувчилари	3—15 январь
3	Туман(шаҳар) ХТБ мудирлари	3—15 январь
4	Туман(шаҳар)ХТБ физика-математика методистлари	3—15 январь
5	Туман(шаҳар) ХТБ бошланғич таълим методистлари	17—29 январь
6	Мактаб амалиёти психологларидан психолог-тренерлар тайёрлаш курси	17—29 январь
	Умумий ўрта таълим мактаб директорлари мутахассислик фанлари бўйича	
7	Ўзбек тили ва адабиёти	3—29 январь
8	Тарих-география	3—29 январь
9	Рус ва хорижий тиллар	3—29 январь
10	Янги тайинланган УЎТМ директорлари	3—29 январь
11	Ёш директорлар (5 йилгача ушбу лавозимда ишлаётган)	3—29 январь
12	Физика—умумтехника	3—29 январь
13	Математика—информатика	3—29 январь
	Махсус таълим муассасалари раҳбарлари ва ходимлари	
14	Ёрдамчи мактаб ва мактаб-интернат бошланғич синф ўқитувчилари	3—29 январь
15	Кар, заиф эшитувчи болалар мактаб-интернати математика ўқитувчилари	3—29 январь
16	Меҳрибонлик уйи тарбиячилари (Тошкент шаҳри)	17—29 январь
	Мактабдан ташқари таълим муассасалари раҳбарлари ва ходимлари	
17	Спорт мактаби директорлари	3—29 январь
18	«Биоэкосан» ўқув-услубий мажмуаси директор ўринбосарлари	3—22 январь

Эслатмалар:

1. Тингловчилар институт меҳмонхонасига жойлашадилар, институт кутубхонаси ва қироатхонасидан фойдаланадилар. Сафар харажатлари институт ҳисобидан тўланади. Йўл харажатлари фақат давлат транспортларининг чипталари асосида тўланади. Курсларда машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади. Таниқли педагог олимлар, ДТС ўқув дастури, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар муаллифлари, республика Маънавият ва маърифат маркази масъул ходимлари билан учрашувлар ўтказилади ҳамда Темурийлар тарихи давлат музейига ва бошқа зиёратгоҳларга экскурсия уюштирилади.
2. Тингловчиларнинг сафар гувоҳномасида юқорида қайд қилинган курсларнинг қайси бирига юборилганлиги ҳамда лавозими аниқ кўрсатилган бўлиши ва улар режада кўрсатилган муддатларда етиб келишлари шарт.
3. А.Авлоний номидаги ХТРХМОМИ қошидаги санаторий-профилакторийга Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар касаба уюшма қўмитаси томонидан берилган пул ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат асосида қабул қилинади.
4. Хоҳловчилар профилакторийнинг ўзидан накд пулга йўлланма сотиб олишлари мумкин.

Манзил: Тошкент—95, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй. Транспортлар: Жанубий вокзалдан 131-автобуснинг Талабалар шаҳарчаси бекатигача ҳамда Шимолий вокзалдан Беруний метро бекатигача.

Ovchilar bu ayiqni hayvonot bog'iga eltib, rad javobini olishdi. Hattoki tsirk artistlari ham uni olishdan bosh tortishdi.

«СЕНГА БИТАДУРМАН ҲАР КУН НОМАЛАР»

Мумтоз адабиётимиз тарихида «нома» шеърий жанри ўзининг ёрқин тимсоли, жозибадор ва ширин тили, мазмунан теранлиги ва шаклан беқиёслиги билан ажралиб туради. Она тилимизнинг софлиги, бойлиги ва латофати «нома» жанрида битилган асарларда тўлиқ намоён бўлган.

«Муҳаббатнома», «Даҳнома», «Таашшуқнома»... Кейинчалик нома жанрининг қамрови кенгайган. У муҳаббат мавзусидаги лирик асардан, йирик эпик асар даражасига кўтарилган. «Шайбонийнома», «Бобурнома»...

Бугунги ёш ижодкорларимиз, адабиёт ихлосмандлари орасида мумтоз адабиётимизнинг ана шу анъаналарига мурожаат этувчиларнинг ҳам борлиги кишини қувонтиради. Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги 35-мактаб ўқитувчиси Зиёда Юсупова ана шундай ҳавасманд ёшларимиздан биридир. У «Ишқнома» номли битиги билан мамлакатимиз ёш ижодкорларининг Зомин семинар-кенгашида иштирок этди.

«Ишқнома» муҳаббат мавзусида битилган. Ватанга, халққа, мустақилликка муҳаббат руҳи уфуриб туради. У «нома» жанри талабига мувофиқ маснавий усулида ёзилган. Тили равон ва содда. Зиёдахоннинг ушбу ижодий ишини ўқиб, шундай хулосага келдик: мактаб ўқувчиларини аждодларимиз маданий меросига эҳтиром, она-Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялаётган фидойи муаллимларимиз доимо омон бўлсин.

Биз Зиёдахоннинг ижодий ишларига муваффақият тилаган ҳолда унинг «Ишқнома»сидан бир парчани эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Рустам МУСУРМОН

БЕШИНЧИ НОМА

Ишқнинг даргоҳидан излайман паноҳ,
Кўнглимга ишқингни солган бу Оллоҳ.

Қалбимга исмингдан нақш ўйибдур,
Бор ғамин, аламин менга қўйибдур.

Юрган йўлларингда гадоман, гадо,
Ҳолимни сўрама, адоман, адо.

Чеккан оҳларимга тунлар ҳам йиғлар,
Ошиқлик ҳолимга кунлар ҳам йиғлар.

Юрагим бу ишқдан, оҳ, тилим-тилим,
Васлингга етмоқлик мушкул, севгилим.

Висолдан иборат эмас бу ҳаёт,
Айрилиқ дардидан чекаман фарёд.

Фарёду аламлар бўлолмас малҳам,
Минг фарёд чексам ҳам бўлмайсан ҳамдам.

Сени кўрмаганда ҳасратда доғман,
Кўкламлари унут бир ғариб боғман.

Нечун бахт тилайсан, билгил, бахтим бор,
Сен борсан, сен борсан, менга не даркор.

Иккимиз бу ҳаёт қилди бегона,
Абадий ишқингда қилди девона.

Кўзларим юмганда, чеҳранг намоён,
Ҳижрон азобида қолмасман омон.

Сенга талпинганда йўллар беркилди,
Умидим хазондек ерга тўкилди.

Муҳаббат шаробин ичиб беҳушман,
Қаноти қайрилган бир ушшоқ — қушман.

Сенга талпинганда йўлларим куйди,
Сенга қўл узатсам қўлларим куйди.

Исминг ёндирса ҳам жон-жаҳонимни,
Сенсиз ўтказмадим бирор онимни.

Қоғозу қаламим менинг сирдошим,
Кундан-кун тугагай сабру бардошим.

Кўнгилда мужассам армон, нолалар,
Сенга битадурман ҳар кун номалар...

Зиёда ЮСУПОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси
Элликқалъа туманидаги 35-мактаб
ўқитувчиси

Xullas...

ЭНГ МУҲИМИ, ИРОДА

Калифорния университети олимлари наркологлар билан келишган ҳолда чекишга қарши гипноз методига асосланган 18 та дастурни таклиф этишмоқда. Чекиш жонига теккан ва бундан қутулмоқчи бўлиб юрган 22 минг кашанда тадқиқотда иштирок этди. Натижа эса, бундай: 30 фоиз эркак, 23 фоиз аёл гипноз методикасидан сўнг чекишни ташлади. Олимларнинг тахмин қилишича, чекувчи аёлларнинг, хусусан, теле ва кино юлдузларининг бу ярамас одатга берилгач, ундан воз кечиши осонгина кечадиган жараён эмас экан.

Чекишни ташлашда, энг аввало, ёрдам берадигани, бу инсондаги иродадир, деб шарҳлайди ушбу тадқиқот якунларини «Нью-Йорк таймс» газетаси.

ҲАР КИМ ЎЗ УЙИДА ҚАДРЛИ

Сутчилик фермасида биринчи қор ёққан куни тахминан ўн ойлик айиқполвон пайдо бўлиб қолди. Молбоқар Владимир Опарин нима қилишга ҳайрон. Қийшиқоёқ силоснинг орасига жойлашиб олиб, моллар озуқасини бирин-кетин еб тамом қила бошлади. Шу кетишда йиртқич сигирларга ҳам ҳужум қилиб қолиши ҳеч гап эмас.

Овчи Александр Дружининнинг фикрича, бу ов мавсумидаги ягона ҳодиса эмас. Ўқ товушларидан безган айиқлар нажот истаб, гоҳ фермаларга, гоҳ ҳовлиларга кириб олишмоқда. Аммо, уларга ҳеч ким зор бўлиб ўтиргани йўқ. Овчилар бу айиқни ҳайвонот боғига элтиб, рад жавобини олишди. Ҳаттоки цирк артистлари ҳам уни олишдан бош тортишди. Шўрлик Екатеринбург Перм трассасидаги «қоровул» ит қафасига жойлаштирилди. Аммо иккаласи чиқиша олармикан?

ana shunaqa gaplar

«НАҚШ» ЦИКЛОКРОССВОРДИ



Белгиланган хонадан рақам атрофига: 1. Автомобил маркаси. 2. Ўз номи билан аталувчи маятник билан Ернинг суткалик айланишини тасдиқловчи тажриба ўтказган француз физиги. 3. Қора денгиз билан туташган денгиз. 4. Саҳро билан қуршалган обод маскан. 5. Чин, ҳақиқат. 6. Санъат. 7. Чаҳорёр. 8. Маълум ҳудудга хос сўзлашиш тили. 9. Вақт ўлчови. 10. Эркин Воҳидов достони. 11. Якка, ёлғиз ҳолда Ер шарини кезган денгиз сайёҳи. 12. Электр асбоб. 13. Ҳўл мева. 14. «Робинзон Крузо» романи муаллифи. 15. Автомобилни бошқариш қисми. 16. Юнон асотиридаги олий худо. 17. Чавандозлик мусобақаси. 18. Автомобиль ёритгичи. 19. Мотоцикл маркаси. 20. Пайғамбар. 21. Меҳр, оқибат. 22. Россия федерацияси парламенти. 23. Замон, пайт. 24. Кўркам дарахт. 25. Электр қуввати бирлиги. 26. Генератор ўрамасининг айрим гуруҳи. 27. Ўтмиш, тарих. 28. Дуккакдошларга мансуб, шифобахш гиёҳ. 29. Футбол ўйини қисми. 30. Берилган ваъда, аҳд. 31. Аланга. 32. Мақолдан: Чин дўст туғишганинг билан... 32. Японияда учирилган сунъий йўлдош. 34. Африкадаги давлат. 35. Қон томири. 36. Тиғли, зарбли асбоб. 37. Зирҳли, ҳарбий техника. 38. Сув транспорти воситаси. 39. Ўйиб ёки бўёқ билан ишланган безак. 40. Ташландиқ ерларда ўсувчи ёввойи гиёҳ. 41. Қиш араваси. 42. Анжуман. 43. Ҳашаматли сарой. 44. Доим яшил жануб дарахти.

МУАММОНОМА

Очқич сўзлар: 1. Ўрта аср тарихчи олимаси, «Ҳумоюннома» асари муаллифи — 20, 14, 4,8,1,6,1,9,8,12, 20, 3,13.

2. Қадимги юнон олими Геродот асос солган фан — 15, 1, 2,3,18.

3. Адабий-бадиий журнал — 10, 11, 4, 3, 5.

4. Физиканинг шарқона атамаси — 16, 3, 5, 13, 1, 15.

5. Тик тоғлик — 21, 7, 17.

6. Бирор нарса ҳақида фикр юритиш — 19, 22.

Энди шакл атрофидаги рақамларни очқич сўзларидаги ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Бунда улардан мумтоз мутафаккир шоир Саъдий Шерозий меросига мансуб икки мисра ҳикмат аён бўлади.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида № 024 рақам билан 2003 йил 17 декабрда рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-226.
Тиражи 17975. 1 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир: Шарифа МАДРАҲИМОВА.
Навбатчи: Беҳзод ФАЗЛИДДИНОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
Ⓜ белгиси остида реклама материаллари берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим ва халқаро ҳаёт янгиликлари бўлими —136-56-97, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди —